

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

12-сон
(928)
2020 йил
30 март

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

130. «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 26 мартдаги ўРҚ–613-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

131. «Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги ПҚ–4649-сон қарори
132. «Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишга жалб қилинган тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекис-

тон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги ПҚ-4652-сон қарори

Учинчи бўлим

133. «Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 мартдаги 176-сон қарори
134. «Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бўйича низомларни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 мартдаги 180-сон қарори
135. «Уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 мартдаги 182-сон қарори

Бешинчи бўлим

136. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2020 йил 26 февралдаги 84-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг касбий тайёргарлик факультетига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2941-1*)
Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2020 йил 24 мартдан 27 мартгача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****130 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 23 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 24 мартда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-мод-

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 26 мартда эълон қилинган.

да, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **244⁵-модда** билан тўлдирилсин:

«244⁵-модда. Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш

Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида қўрсатилган маълумотларни нашр қилиш ёки бошқача усулда қўпайтирилган матнда ёки оммавий ахборот воситалари, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи орқали тарқатиш —

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олти соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

2) **257¹-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Санитарияга оид қонун ҳужжатларини ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузиш, шу жумладан карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида давлат санитария назорати органларининг тиббий текширувдан ўтиш ва даволаниш, карантинни ўташ учун белгиланган жойларга етиб бориш ва ушбу жойларни белгиланган муддат давомида тарк этмаслик, касаллик юқиш хавфи мавжуд бўлган даврда мулоқотда бўлинган шахслар ва борилган жойлар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш тўғрисидаги ёки бошқа қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаслик одамларнинг оммавий касалланиши ёки заҳарланиши реал хавфини келтириб чиқарса ёхуд одамларнинг оммавий касалланишига ёки заҳарланишига олиб келса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солиш ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш одамнинг ўлимига сабаб бўлса, —

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш одамларнинг ўлимига сабаб бўлса, —

етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар) **381²-моддаси биринчи қисмининг 1-банди** «244⁴-моддаси биринчи қисмида (божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ жиноятлардан ташқари)» деган сўзлардан кейин «244⁵-моддасида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда,

№ 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **III бобнинг номи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«III БОБ. МАЪМУРИЙ ЖАЗО ВА МАЖБУРЛОВ
ЧОРАСИ»;**

2) қуйидаги мазмундаги **29²-модда** билан тўлдирилсин:

«29²-модда. Карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш

Карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузишга оид ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан тегишли тиббий асослар мавжуд бўлган тақдирда давлат санитария назорати органлари томонидан карантинда сақлаш ёки даволаниш тарзидаги тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилиши мумкин.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси ўттиз суткагача бўлган муддатда маъмурий жазо тайинлаш билан бирга қўлланилади ҳамда давлат санитария назорати органлари томонидан белгиланган жойларда ижро этилади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасининг ижроси давлат санитария

назорати, ички ишлар ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари томонидан таъминланади»;

3) **54-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида ваколатли органнинг махсус талабларига зид равишда жамоат жойларида ниқобсиз бўлиш —

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлишининг ёки тарқалишининг олдини олиш мақсадида белгиланган мажбурий қоидаларни бузиш, шу жумладан карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида шифохонадаги ички тартибга риоя этмаслик, давлат санитария нazorати органларининг тиббий текширувдан ўтиш ва даволаниш, карантинни ўташ учун белгиланган жойларга етиб бориш ва ушбу жойларни белгиланган муддат давомида тарк этмаслик, касаллик юқиш хавфи мавжуд бўлган даврда мулоқотда бўлинган шахслар ва борилган жойлар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш тўғрисидаги ёки бошқа қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаслик, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўттиз бараваридан элик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) **257-модда иккинчи қисмининг иккинчи — тўртинчи хат-бошилари** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария инспектори ва унинг ўринбосари;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология нazorати бошқарма бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари;

давлат санитария-эпидемиология нazorати бошқармалари туман (шаҳар) филиалларининг мудирлари»;

5) **287-модда:**

1-банди «51⁹» рақамидан кейин «54» рақами билан тўлдирилсин;

9-бандидаги «61» рақами «54, 61» рақамлари билан алмаштирилсин;

6) **288-модданинг учинчи қисмидаги** «56» рақами «54, 56» рақамлари билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 26 март,
ЎРҚ-613-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

131 Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш ҳамда беморлар саломатлигини тиклашда нодавлат тиббиёт ташкилотлари имкониятларидан фойдаланиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан коронавирус инфекцияси тарқалиши асоратларини камайтириш, беморларга самарали тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш мақсадида давлат тиббиёт муассасаларида 5 мингдан ортиқ ўрин-жойлар захираси яратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясининг (кейинги ўринларда — Махсус комиссия):

нодавлат тиббиёт ташкилотларига шошилиш профилактика ва эпидемияга қарши чоралар кўрилишини талаб қилувчи юқумли касалликлар қаторига киритилган коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга, истисно тариқасида, 2020 йил 1 сентябрга қадар тиббий хизмат кўрсатишга рухсат бериш;

нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга тиббий хизмат кўрсатишни фақат Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари ўртасида тузилган шартномаларга мувофиқ амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Белгилансинки:

коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш учун нодавлат тиббиёт ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан, истисно тариқасида, танлов (тендер) ўтказмасдан аниқланади;

нодавлат тиббиёт ташкилотларининг коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажат-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 26 мартда эълон қилинган.

лари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади;

ушбу қарорнинг 2-банди иккинчи хатбошисида белгиланган муддат Махсус комиссия томонидан ўзгартирилиши мумкин.

4. Ўрнатилсинки, эпидемиологик вазиятдан келиб чиқиб, зарурат юзга келганда Махсус комиссия қарорига асосан коронавирус инфекциясини аниқлашда нодавлат тиббиёт ташкилотлари билан келишилган ҳолда уларнинг лаборатор-диагностика хизматларидан фойдаланилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

нодавлат тиббиёт ташкилотларида коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича шартномаларни тезкорлик билан тузиш;

нодавлат тиббиёт ташкилотлари тиббиёт ходимларига коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш ҳамда уни даволашнинг замонавий ва самарали усулларини қўллаш юзасидан амалий кўникмаларни ўргатиш;

коронавирус инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ эпидемиологик вазиятдан келиб чиққан ҳолда нодавлат тиббиёт ташкилотларининг лаборатор-диагностика хизматларидан фойдаланиш бўйича Махсус комиссияга таклиф киритиш;

беморларни нодавлат тиббиёт ташкилотларига жойлаштириш ва даволаш натижаларининг қатъий ҳисобини юритиш;

нодавлат тиббиёт ташкилотларининг хизмат кўрсатувчи ходимларини шахсий гигиена талабларига қатъий амал қилган ҳолда фаолият кўрсатишларини таъминлаш;

нодавлат тиббиёт ташкилотлари бино-иншоотларининг дезинфекция воситалари билан тизимли равишда ишлов берилишини таъминлаш;

дезинфекция тадбирларини тўлиқ амалга ошириш учун етарли миқдорда дезинфекция воситалари захирасини яратиш чораларини кўрсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 26 март,
ПҚ-4649-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**132** **Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишга жалб қилинган тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Жаҳон миқёсида тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимлари коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олиш, аҳоли саломатлиги ва санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда жонбозлик кўрсатишмоқда.

Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишга қўшаётган улкан ҳиссаларини ва фидокорона хизматларини эътироф этган ҳолда, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ишларига жалб этилган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларни қўшимча ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Коронавирус инфекциясидан зарарланган беморлар билан мулоқотга киришадиган, зарарланган беморлар жойлаштирилган объектларда ҳамда коронавирус инфекциясини аниқлаш лабораторияларида фаолият олиб бораётган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларга ҳар 14 кунлик фаолият даври учун қуйидаги миқдорларда (солиқлардан ташқари) махсус қўшимча рағбатлантириш тўлови (кейинги ўринларда — махсус тўлов) белгилансин:

врач ходимларга, врач-лаборантларга — 25 миллион сўм;

ўрта тиббиёт ходимларига, хамшира-лаборантларга — 15 миллион сўм;

кичик тиббиёт ходимларига — 10 миллион сўм;

бошқа ходимларга — 5 миллион сўм.

Инқирозга қарши курашиш республика комиссияси (А.Н. Арипов) бир ҳафта муддатда махсус тўловларни олувчи мазкур бандда назарда тутилган тадбирларга жалб қилинган бошқа ходимларнинг қўшимча рўйхатини тасдиқласин.

2. Белгилансинки, махсус тўловлар карантин амал қиладиган муддат давомида, шу жумладан жорий йилнинг март ойи учун, ходимнинг ҳар 14 кунлик фаолият даври якунида тўлаб берилади.

3. Коронавирус инфекциясини юқтирган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки уларнинг оғир аҳволга тушиши ва соғлиғи тикланмаганлиги муносабати билан бир йўла бериладиган қўшимча тўловлар миқдорлари иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларига жалб қилинган,

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 27 мартда эълон қилинган.

** Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

зарарланган беморлар билан мулоқотга киришадиган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларни юқори ҳимоя даражасига эга бўлган шахсий ҳимоя воситалари комплекти билан мунтазам равишда таъминласин.

5. Мазкур қарор ижроси билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 26 март,
ПҚ-4652-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

133 **Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш, коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишда мутасадди давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда ташкилотларнинг мувофиқлаштирилган фаолиятини ташкил этиш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги Ф-5537-сон фармойиши билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикасида коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси (кейинги ўринларда — Комиссия) қарорларига мувофиқ:

дунёнинг барча давлатлари билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида мунтазам авиақатновлар тўхтатилганлиги;

хорижий давлатлар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни, (республикада доимий истиқомат қилувчи фуқаролиги бўлмаган шахслар бундан мустасно), шунингдек, йўловчи ташувчи транспорт воситаларини (автобус, енгил автотранспорт ва темир йўл транспорти воситалари) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига барча чегара ўтказиш пунктлари орқали кириб келиши тўхтатилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келаётган шахсларни 14 кун давомида махсус ажратилган тиббиёт муассасаси ёки карантин тадбирларини ташкил этишга мослаштирилган базалар ёхуд уй шароитида карантинга олиш талаби белгиланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига барча кўнгилочар объектлар, шу жумладан тунги клублар, дискотека, ресторан, кафе, ошхона, чойхона, спа ва массаж салонлар, караоке, бильярд заллари, чилим (кальян) марказлари ва компьютер ўйинлари хизматини кўрсатувчи тадбиркорлик фаолияти тўхтатилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига барча турдаги оммавий тадбирлар, шу жумладан байрам тадбирлари, халқаро тадбирлар ва спорт мусобақалари, шунингдек, театр, кино ва концерт дастурлари ҳамда тўйлар, оила-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 24 мартда эълон қилинган.

вий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилиши (дафн маросимлари 10 — 15 кишидан кўп бўлмаган ҳоллар бундан мустасно) тўхтатилганлиги;

давлат олий таълим муассасаларида, умумий ўрта, ўрта махсус, мактабдан ташқари ва мактабгача таълим муассасаларида ҳамда барча нодавлат таълим ташкилотларида таълим жараёнлари тўхтатилганлиги ва коронавиралар инфекцияси тарқалишининг олдини олишга қаратилган бошқа бир қатор чоралар кўрилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2020 йил 24 март соат 00.01 дан бошлаб қуйидагиларни назарда тутувчи коронавиралар инфекцияси тарқалишига қарши кучайтирилган тартиб (кейинги ўринларда — Тартиб) жорий этилсин:

коронавиралар инфекцияси асосан Тошкент шаҳри ҳудудида аниқланганлигини инобатга олиб ва ушбу инфекция республиканинг бошқа ҳудудларига тарқалишининг олдини олиш мақсадида бошқа ҳудудлардан Тошкент шаҳрига кириш (автобус, микроавтобус, енгил автотранспорт, авиақатновлар ва темир йўл транспорти воситалари орқали) тўхтатилади, бундан ушбу банднинг учинчи хатбошисида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган шахслар, шунингдек, Тошкент вилоятида доимий рўйхатдан ўтган ҳолда Тошкент шаҳрида меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган давлат органлари ва муассасалари (нодавлат ташкилотларида — иш берувчи томонидан тақдим этилган тегишли рухсатнома асосида) ходимлари ҳамда юк ташиш билан боғлиқ ҳолларда Тошкент шаҳрига кириш ва чиқишга рухсат берилади;

Тошкент шаҳрига кирувчи ва чиқувчи шахсларда коронавиралар инфекцияси аломатларини аниқлаш бўйича мажбурий тиббий назорат ўрнатилади;

биринчи босқичда Тошкент шаҳрида, кейинчалик босқичма-босқич Нукус шаҳри, вилоят ва туман марказларида жойлашган барча йирик дехқон бозорлари ва савдо мажмуалари (супермаркет, гипермаркет ва бошқалар) кириш-чиқиш жойларини тегишли мутахассислар билан таъминлаган ҳолда тепловизорлар ва антисептик воситалар билан жиҳозланади;

республика ҳудудига хорижий давлатлардан, шунингдек, Тошкент шаҳрига бошқа ҳудудлардан кириб келаётган барча транспорт воситалари, товар ва юкларнинг мажбурий равишда дезинфекция қилиниши таъминланади;

давлат идоралари ва ташкилотларида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари қабул қилиш ҳамда уларга давлат ва бошқа хизматларни кўрсатиш имкон қадар «онлайн» режимга ўтказилади;

фуқаролар томонидан Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва телефон алоқаси учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли икки ой давомида ўчирилишига йўл қўйилмайди;

идоравий бўйсунуви ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар барча ташкилотларнинг асосий иш фаолиятига таъсир этмаган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ходимларни меҳнат таътилига чиқариш, қолган қисмининг меҳнат фаолиятини максимал даражада масофадан туриб («онлайн» режимда ёки масофавий тарзда) ташкил этиш чоралари кўрилади.

Ушбу банднинг бешинчи хатбошисида назарда тутилган чора-тадбир-

ларни молиялаштириш Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

Миллий гвардия ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги билан биргаликда ушбу банднинг учинчи хатбошисида белгиланган талабларга сўзсиз риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин;

Тартибнинг амал қилиш даврида, заруратга кўра, қўшимча йўл-патруль хизмати стационар постлари ва блок постлар ташкил этиш чораларини кўрсин.

3. Тартибнинг амал қилиш даврида қуйидагилар ўрнатилсин:

а) коронавирус инфекцияси аниқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва хорижий фуқаролар, шу жумладан 2020 йил январь — март ойларида коронавирус инфекцияси қайд этилган ҳудудларда бўлиб, Ўзбекистон ҳудудига кириб келган шахслар:

Комиссия қарорларига, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги ва эпидемияга қарши курашишга жалб этилган бошқа давлат ташкилотларининг қонуний талабларига риоя этишга;

Ўзбекистонга қайтиб келганлиги, коронавирус инфекцияси қайд этилган ҳудудларда бўлган вақти ва жойи тўғрисида зудлик билан соғлиқни сақлаш органларига маълумот беришга;

Ўзида касаллик аломатлари вужудга келганда касаллик юқиши мумкин бўлган даврда мулоқотда бўлган шахслар ва ҳаракатланиш йўналишлари ҳақида зудлик билан соғлиқни сақлаш органларига маълумот беришга;

14 кун давомида уйда ёки махсус белгиланган жойда изоляция шароитида бўлишга;

санитария ва эпидемияга қарши курашиш қоидалари ва изоляция режимида бўлишга оид талабларга қатъий риоя этиш, шу жумладан тиббий ҳимоя воситаларини қўллаш ва жамиятда бир-бирлари орасида масофани сақлашга;

соғлиқни сақлаш органлари томонидан тайинланадиган тиббий текширув ва даволанишдан ўтишга мажбурдирлар;

б) давлат санитария назорати органлари томонидан изоляция қилиниши лозимлиги ҳақида талаб қўйилган шахслар билан бирга яшовчи шахслар ҳам 14 кун давомида ёки давлат санитария назорати органлари томонидан белгилаб берилган муддат давомида уйда ёки махсус белгиланган жойда изоляция шароитида бўлишга мажбурдирлар;

в) коронавирус инфекциясини юқтирган ёки ушбу инфекцияни юқтирганликда гумон қилиниб карантинга жойлаштирилган шахсларга тегишли бўлган мобиль телефон, аудио ва видео воситалар, банк карталари ҳамда бошқа ахборот ташувчи буюмлар вақтинча олиб қўйилади;

г) идоравий бўйсунуви ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар барча ташкилотлар раҳбарлари (иш берувчилар) қуйидагиларга риоя этишлари шарт: ташриф буюрувчи шахсларни фақат тиббий ниқоб ва тиббий воситаларни қўллаган ҳолда киритиш тартибини мажбурий жорий этиш;

иш жойларида ходимларнинг тана ҳароратини ўлчаш ва тана ҳарорати юқори

бўлган ходимларни иш жойида бўлишига йўл қўймаслик ҳамда ушбу ходимлар тўғрисида соғлиқни сақлаш органларига зудлик билан хабар етказиш;

давлат санитария назорати органларининг талабномасига мувофиқ कोरोनाвирус инфекциясини юқтирган ходим билан мулоқотда бўлганлар ҳақида дарҳол маълумот бериш, касалланган шахс бўлган жойларни дезинфекциядан ўтказиш чораларини кўриш;

ходимларга изоляция режимида бўлишга оид талабларга риоя этишда кўмаклашиш;

д) савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ёки бошқа ташкилотлар билан шартномалар тузиш йўли билан дезинфекция воситалари билан таъминланади;

е) Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жойлашган деҳқон бозорларидан ташқари барча бозорларнинг фаолияти тўхтатилади.

4. Белгилансинки:

Комиссия мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирлар амалга оширилиши билан боғлиқ барча масалаларни мувофиқлаштиради ва зарур ҳолларда қўшимча кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни амалга ошириш бўйича қарор қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Транспорт вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш билан боғлиқ барча ташкилий масалалар ижросини таъминлайди.

5. Коронавирус инфекцияси аниқланганда (гумон қилинганда) бажариладиган профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

ўн кун муддатда республикада коронавирус инфекциясининг тарқалиш даражасини таҳлил қилган ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан тузилган шартнома асосида нодавлат тиббиёт ташкилотларида ушбу инфекция билан касалланган беморларга тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш бўйича таклифларни;

бир ой муддатда карантин гуруҳига мансуб бўлган ўта хавфли ва юқумли касалликлар инфекцияси аниқланганда (гумон қилинганда) ўтказиладиган профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш тартибини ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда бир кун муддатда тўловларни амалга оширишнинг масофавий шакллари кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиб амалиётга татбиқ этиш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда хорижий мамлакатларда коронавирус инфекциясига қарши қабул қилинган қонун ҳужжатлари, амалга ошириладиган чора-тадбирлар, шу жумладан тиббиёт соҳасидаги янги ёндашув ҳамда ихтиролар тўғрисида ҳар кунлик маълумотни Комиссияга тақдим этиб борсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлигига қарашли санаторий ва бошқа соғломлаштириш масканларида ҳамда давлат тасарруфидаги дам олиш ва соғломлаштириш масканлари, меҳмонхоналари негизида Қорақалпоғистон Республикасида 4 та, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 3 тадан 14 кунлик карантин тадбирлари учун мослаштирилган базалар ташкил этилиши чораларини кўрсин;

карантинда сақланаётган шахсларни бир-биридан ажратган ҳолда улар ўртасида коронавирус инфекцияси тарқалишининг максимал олдини олиш имконини берувчи махсус карантин объектлари қурилишини қисқа муддатларда таъминласин.

10. Комиссияга жорий этилган Тартибнинг амал қилиш даврида қуйидаги қўшимча вазифалар юклансин:

коронавирус инфекцияси аҳоли ўртасида тарқалишини олдини олишга қаратилган зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлаш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органларининг фаолиятини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштириш;

биринчи навбатдаги дори воситалари, ниқоб ва тиббий буюмларнинг (дезинфекция воситалари ва бошқалар) аҳолига қатъий белгиланган нархларда узлуксиз етказиб берилишини назорат қилиш;

республикада коронавирус инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ вазиятни мунтазам таҳлил қилиш ва вазият барқарорлашгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Тартибнинг амал қилишини тугатиш юзасидан таклиф киритиш.

11. Комиссияга унинг зиммасига юклатилган қўшимча вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

идоравий бўйсунуви ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар барча ташкилотларда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича амалга ошириладиган ишларни текшириш ҳамда назоратни олиб бориш;

алоҳида аҳоли пунктлари ва ҳудудларда карантин тадбирлари ҳамда карантин жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

идоравий бўйсунуви ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар барча ташкилотлардан ҳужжатлар талаб қилиш ҳамда уларнинг раҳбарларини коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш юзасидан кўриладиган чора-тадбирлар, санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар бажарилиши тўғрисидаги ахборотларини Комиссия мажлисларида эшитиш;

вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларининг айби (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) билан коронавирус инфекцияси авж олишига йўл қўйилганда, уларни эгаллаб турган лавозимидан озод этиш тўғрисида юқори турувчи ташкилотларга, шунингдек, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўриб чиқиши учун киритиш.

12. Белгилансинки, Комиссиянинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари идоравий бўйсунуви ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар барча ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

13. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Тартибнинг амал қилиш даврида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан тақдим этилган рўйхат бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, истисно тариқасида, божхона чегараси орқали ўтказилаётган зарур дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника, уларни ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган материаллар ва субстанциялар учун «яшил» йўлақлар ташкил қилади ва ушбу товарларга нисбатан божхона божлари ундирилмайди;

дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника, уларни ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган материаллар ва субстанциялар учун, истисно тариқасида, тендерлар ёки танлов савдолари ўтказмасдан энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли билан тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда Тартибнинг амал қилиш даврида аҳолининг реал дарамодлари барқарорлигини таъминлаш мақсадида ишчиларга ойлик иш ҳақлари узлуксиз ва ўз вақтида тўланишини таъминлаб борсин ҳамда республикадаги бандлик даражасини тушиб кетмаслик бўйича аниқ ва манзилли чора-тадбирларни амалга оширсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги билан биргаликда коронавирус инфекциясини юқтирган ёки ушбу инфекцияни юқтирганликда гумон қилиниб уй шароитида карантинга жойлаштирилган шахслар томонидан карантин қоидаларига риоя қилиниши устидан қатъий ва тизимли назорат ўрнатсин ҳамда карантин ўташ даврида ушбу шахсларни биринчи навбатдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, дори воситалари, ниқоб ва тиббий буюмлар (дезинфекция воситалари ва бошқалар) билан таъминлаш чораларини кўрсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулудда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия Тартибнинг амал қилиш даврида жамоат тартибини сақлаш чораларини кучайтирсин.

17. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциа-

цияси Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда:

ушбу қарорнинг мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида кенг тушунтирилишини;

масъул вазирлик ва идораларни жалб қилган ҳолда коронавирус тарқалиши билан боғлиқ вазият ҳамда жорий этилган Тартиб тўғрисида тўлиқ ва холисона маълумотларни кенг жамоатчиликка мунтазам равишда етказиб борилишини таъминласин.

18. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 23 март,
176-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 23 мартдаги 176-сон қарорига
ИЛОВА

**Коронавирус инфекцияси аниқланганда (гумон қилинганда)
бажариладиган профилактик ва эпидемияга қарши чора-
тадбирларни амалга ошириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом коронавирус инфекцияси аниқланганда ёхуд гумон қилинганда давлат органлари ва бошқа ташкилотлари томонидан профилактик ҳамда эпидемияга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

карантин — маълум ҳудудни коронавирус инфекцияси тарқатувчи манбадан муҳофаза қилиш ва уни йўқотишга ҳамда коронавирус инфекциясининг бир жойдан бошқа ҳудудларга тарқалишига йўл қўймасликка қаратилган маъмурий ва санитария-эпидемиологик тадбирлар мажмуи;

обсерватор — карантин зонада бемор билан мулоқотда бўлмаган соғлом кишиларни сақлаш учун мослаштирилган биноларда (мактаб, меҳмонхона, маъмурий бинолар, сихатгоҳлар, болаларнинг ёзги дам олиш оромгоҳлари ва бошқаларда) ташкил этиладиган махсус ажратиладиган жой;

госпитал — коронавирус инфекциясини юқтирганларни даволаш учун юқумли касалликлар шифохонаси ёки бошқа тиббиёт муассасаси базасида ташкил этилган даволаш муассасаси;

провизор госпитал — коронавирус инфекциясига гумон қилинган шахсларни сақлаш ва даволаш учун юқумли касалликлар шифохонаси ёки бошқа тиббиёт муассасаси базасида ташкил этилган даволаш муассасаси;

изолятор — эпидемияга қарши режимни таъминлаш учун коронавирус инфекцияси аниқланган бемор билан мулоқотда бўлган шахслар жойлаштириладиган юқумли касалликлар шифохонаси ёки бошқа алоҳида ажратилган биноларнинг махсус жиҳозланган хонаси;

санитария-карантин пунктлари — Давлат чегараларини куруқликда (автомобиль ва темир йўллари), ҳаво ва сув йўллари орқали кесиб ўтиш жойларидаги чегара-божхона мажмуаларида ташкил этиладиган ихтисослашган профилактик муассаса.

2-боб. Коронавирус инфекциясига гумон қилинган беморлар аниқланганда давлат органлари ва бошқа ташкилотларининг ҳаракатланиш тартиби

1-§. Коронавирус инфекциясига гумон қилинган беморлар аниқланганда ҳаракатланишнинг умумий қоидалари

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар, туманлар (шаҳарлар) санитария-эпидемиологик осойишталик марказлари ҳамда барча тиббиёт муассасалари коронавирус инфекциясига гумон қилинган бемор аниқланганда зарур тиббий-санитария чора-тадбирларини амалга ошириш учун масъул ҳисобланади.

4. Ҳар бир туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасида коронавирус инфекцияси аниқланганда тезкор режа асосида ҳаракатга келтириладиган маслаҳат, эвакуация ва дезинфекция гуруҳлари ташкил этилади.

5. Коронавирус инфекциясига гумон қилинган бемор аниқланганлиги тўғрисида хабар келганда, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси раҳбари томонидан беморни кўриқдан ўтказиш учун маслаҳат-эвакуация ва дезинфекция гуруҳлари юборилади.

6. Беморни олиб кетиш учун ҳайдовчи жойи салондан ажратилган ва зич ёпиладиган, махсус (тез тиббий ёрдам) автотранспорт воситаси ажратилади, гуруҳ аъзолари тегишли шахсий химоя воситаларини кийган ҳолда бўлишлари шарт.

Инфекционист врач беморга бирламчи ташхис қўйиш ва аҳволини баҳолаш учун тиббий кўриқдан ўтказилади.

Эпидемиолог врач бемор билан мулоқотда бўлганларни ва унинг ҳаракатланиш йўналишини аниқлаш мақсадида эпидемиологик суриштирув ўтказилади.

Дезинфекция гуруҳи инфекция ўчоғида яқиний дезинфекция тадбирларини ўтказилади. Беморни олиб келган автотранспорт воситаси махсус майдончада дезинфекция қилинади.

7. Беморда коронавирус инфекциясига гумон ташхиси касалликнинг клиник белгилари (тана ҳароратининг меъёридан юқорилиги, қуруқ йўтал,

ҳолсизланиш, нафас сиқилиши) ва эпидемиологик суриштирув натижаларига асосланиб қўйилади.

8. Эпидемиологик суриштирув жараёнида коронавирус инфекцияси бўйича эпидемик нохуш бўлган давлатда ёки ҳудудда бўлганлиги, шунингдек, яшаш ёки иш жойида, сафар давомида юқори нафас йўллари инфекцияси билан оғриган ёки ушбу касалликдан вафот этган бемор билан мулоқотда бўлганлиги аниқланади.

2-§. Санитария-карантин пунктларининг фаолиятини ташкил этиш ҳамда уларда коронавирусга гумон қилинган бемор аниқланганда ҳаракатланиш тартиби

9. Чегара божхона постларидан ўтаётган йўловчилар дастлаб санитария-карантин пунктларида навбатчи ходимлар томонидан тиббий-санитария кўригидан ўтказилгандан сўнг чегара ва божхона хизматлари назоратидан ўтказилади. Бу жараёнда коронавирус инфекциясининг белгиларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилади.

10. Коронавирус инфекциясига гумон қилинган шахс аниқланганда бу ҳақда зудлик билан Давлат чегараси орқали ўтказиш пункти маъмуриятига, ҳудудий тиббиёт бирлашмаси ва санитария-эпидемиологик осойишталик марказига хабар етказилади.

11. Коронавирус инфекциясига гумон қилинган шахс изоляция қилинади ва зарур ҳолларда унга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилади. Бунда маслаҳат гуруҳи етиб келгунга қадар Давлат чегараси орқали ўтказиш пункти маъмурияти томонидан ушбу пункт фаолияти вақтинчалик тўхтатилади.

12. Санитария-карантин пунктлари ходимлари шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланган ҳолда эпидемиологик суриштирув ишларини ўтказиб, мазкур шахс билан мулоқотда бўлганлар (йўловчи билан бирга келган ва яқин мулоқотда бўлганлар, чегарачилар, тиббиёт ходимлари ва бошқалар)нинг рўйхатини тузадилар ҳамда бошқа зарур маълумотларни (касалликнинг бошланиш вақти, унинг яширин даврида қаерда бўлганлиги, ҳудуддаги эпидемик вазият, касаллик белгиларининг динамикаси) аниқлайдилар.

Санитария-карантин пунктлари ходимларининг кейинги ҳаракатлари маслаҳат гуруҳи кўрсатмалари асосида олиб борилади.

13. Маслаҳат гуруҳи эпидемиологик суриштирув натижаларига қараб, коронавирус инфекциясига гумон қилинган беморни провизор госпитал (госпитал)га жойлаштириш учун эвакуация гуруҳини, шунингдек, санитария-карантин пунктларида дезинфекция ишларини олиб бориш учун дезинфекция гуруҳини чақиртиради.

14. Чегарадан кириб келишда тиббий-санитария тартиб-таомиллари Халқаро тиббий-санитария қоидаларига биноан белгиланади.

15. Коронавирус инфекциясига гумон қилинган бемор санитария-карантин пунктларида аниқланганда:

бемор коронавирус инфекциясига гумон қилинганда, дарҳол санитария-карантин пункти изоляторига жойлаштирилади ҳамда бу тўғрисида ушбу

Низомга иловада белгиланган тартибда туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик осойишталик маркази раҳбарига хабар берилади;

санитария-карантин пунктларининг тиббиёт ходими шахсий ҳимоя воситаларини (комбинезон, этик, тиббий ниқоб, кўзойнак ва қўлқоп) кийган ҳолда тегишли тадбирларни давом эттиради;

туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик осойишталик маркази раҳбари инфекция ўчоғига шахсий ҳимоя воситалари ва техника билан таъминланган эвакуация (инфекционист, эпидемиолог, шошилич тиббий ёрдам хизмати врачлари ва ўрта тиббиёт ходими) ҳамда дезинфекция (дезинфекция шифокори ва дезинфектор) гуруҳларини юборади;

эпидемиолог врач эпидемиологик суриштирув ишларини олиб боради ҳамда бемор билан мулоқотда бўлганларни аниқлайди;

дезинфекция гуруҳи инфекция ўчоғида яқуний дезинфекция тадбирларини ўтказиши;

эвакуация гуруҳи беморни бокс палаталари бўлган махсус ажратилган юқумли касалликлар шифохонасига олиб боради;

тиббиёт муассасаси ходимлари бемордан лаборатория текшируви ўтказиш учун намуналар олади ва вирусология лабораториясига юборади.

3-§. Коронавирусга гумон қилинган бемор уйда ва тиббиёт муассасасида аниқланганда ҳаракатланиш тартиби

16. Коронавирусга гумон қилинган бемор уйда аниқланганда:

тиббиёт ходими беморни уйда тиббий кўриқдан ўтказиб, коронавирус инфекциясига гумон қилган ҳолларда, ушбу Низомга иловада белгиланган тартибда дарҳол ўзи ишлаётган тиббиёт муассасаси раҳбарига, раҳбар эса, туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик осойишталик маркази ҳамда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасига хабар беради;

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси раҳбари инфекция ўчоғига комбинезон, этик, тиббий ниқоб, кўзойнак ва қўлқопдан иборат шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган тиббиёт ходимлари гуруҳини ва тез тиббий ёрдам машинасини юборади;

санитария-эпидемиологик осойишталик маркази бош врачлари беморнинг уйига туман эпидемиолог врачлари ва дезинфекцион гуруҳини юборади;

эпидемиолог врач эпидемиологик суриштирув ишларини олиб боради ҳамда бемор билан мулоқотда бўлганларни ва беморнинг ҳаракатланиш йўналишини аниқлайди;

дезинфекция гуруҳи инфекция ўчоғида яқуний дезинфекция тадбирларини ўтказиши;

бемордан лаборатория текшируви ўтказиш учун намуналар тиббиёт муассасалари томонидан олиниб, вирусология лабораториясига юборилади.

17. Коронавирус инфекциясига гумон қилинган бемор тиббиёт муассасасида аниқланганда:

тиббиёт муассасасига мурожаат қилган барча беморлар муассасага кириш эшиги олдида ёки қабул бўлимида филтрдан ўтказилади, тана ҳаро-

рати юқори, нафас сиқиши ҳамда йўталга шикоятни аниқланганлар изоляторга жойлаштирилади;

коронавирус инфекциясига гумон қилинган бемор аниқланганда, шифокор бошқа беморларни қабул қилишни тўхтатади ва ушбу Низомга иловада* белгиланган тартибда зудлик билан бемор ҳақида тиббиёт муассасаси раҳбарига, у эса, туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик осойишталик марказига хабар беради ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклдаги шошилиш хабарнома юборади;

туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик осойишталик маркази бош врач беморнинг уйига туман эпидемиолог врач ва дезинфекция гуруҳини юборади;

беморни қабул қилаётган шифокор шахсий ҳимоя воситаларини кийиб, эвакуация ва дезинфекция гуруҳлари келгунга қадар даволаш профилактика муассасасида қолади;

дезинфекция гуруҳи ёки тиббиёт муассасаси ўзининг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда инфекция ўчоғида жорий дезинфекция тадбирларини ўтказиши;

дезинфекция гуруҳи беморнинг уйида якуний дезинфекция тадбирларини ўтказиши;

беморга аниқ бирламчи ташхис қўйиш мақсадида инфекционист врач уни кўриқдан ўтказиши ва суриштирув ишларини олиб боради, бемор кўриқдан ўтказилганидан кейин, эвакуация гуруҳи уни бокс палаталари бўлган махсус ажратилган юқумли касалликлар шифохонасига олиб кетади;

бемор билан мулоқотда бўлган тиббиёт ходимлари ва беморнинг оила аъзолари бемор алоҳидаланган кундан бошлаб, 14 кун давомида карантинга олиниши, агар улар орасида коронавирус инфекциясининг белгилари пайдо бўлса, улар госпиталга ётқизилади;

беморни олиб келган автотранспорт воситаси юқумли касалликлар шифохонасининг махсус майдончасида дезинфекция қилинади;

бемордан лаборатория текшируви ўтказиш учун намуналар олиниб, вирусология лабораториясига юборилади.

3-боб. Коронавирус инфекциясига гумон қилинган шахслар учун карантин белгилаш тартиби

18. Коронавирус инфекциясини юктириш хавфи даражасига қараб, коронавирус инфекцияси аниқланган шахслар билан яқин мулоқотда ва мулоқотда бўлган шахсларга бўлиниши.

19. Коронавирус инфекцияси аниқланган шахслар билан яқин мулоқотда бўлган шахслар доирасига қуйидагилар киради:

коронавирус инфекцияси аниқланган шахс билан битта хонадонда яшаган шахслар;

коронавирус инфекцияси аниқланган шахс билан бевосита жисмоний мулоқотда (қўл сиқиш, кучоқлашиш) бўлган шахс;

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

коронавирус инфекцияси аниқланган шахс билан мулоқотда (масалан, йўталаётганда) ҳимояланмаган шахслар;

коронавирус инфекцияси аниқланган шахс билан 2 метрдан кам масофада 15 дақиқадан кўпроқ вақт давомида юзма-юз бўлган шахслар;

15 дақиқа ёки ундан кўпроқ вақт 2 метрдан кам масофада коронавирус инфекцияси аниқланган шахс билан бирга ёпиқ жойда (синф хонасида, йиғилиш хонасида, касалхона кутиш хонасида ва бошқалар) бўлган шахслар;

тиббий мутахассис ёки коронавирус инфекцияси аниқланган шахсни бевосита парваришлашни амалга оширувчи бошқа шахс ёки шахсий ҳимоя воситаларисиз ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузган ҳолда коронавирус инфекцияси аниқланган шахснинг бионамуналари билан ишлаган лаборатория мутахассислари;

самолётда, шаҳарлараро автобусда, поездда коронавирус инфекцияси аниқланган шахсдан ҳар қандай йўналишда икки ўриндиқ оралиғида ёки битта купеда (поездда) бўлган, шунингдек, коронавирус инфекцияси аниқланган шахс учиб кетган самолётда хизмат кўрсатган экипаж аъзолари.

20. Коронавирус инфекцияси аниқланган шахслар билан яқин мулоқотда бўлган шахслар провизор госпитал ёки изоляторга жойлаштирилади.

21. Коронавирус инфекцияси аниқланган шахслар билан мулоқотда бўлган шахслар доирасига коронавирус инфекцияси аниқланган шахслар билан бир самолётда, поездда, автобусда бўлган, аммо улар билан яқин мулоқот қилмаган шахслар киради.

22. Коронавирус инфекцияси аниқланган шахслар билан мулоқотда бўлган шахслар уй карантинида сақланадилар.

23. Коронавирус инфекцияси аниқланган шахслар билан мулоқотда бўлган шахсларнинг яшаш жойида уй шароитида изоляция қилиш учун шароитлар бўлмаган тақдирда, уларнинг карантинга олиниши маҳаллий ҳокимликлар томонидан таъминланади.

24. Коронавирус инфекциясини юктирган ёки ушбу инфекцияни юктирганликда гумон қилиниб карантинга жойлаштирилган шахсларга тегишли бўлган мобиль телефон, аудио ва видео воситалар, кредит карталари ҳамда бошқа ахборот ташувчи буюмлар вақтинча олиб қўйилади.

Бунда вақтинчалик олиб қўйилган буюмлар шахс инфекция юқиши мумкин бўлган даврда мулоқотда бўлган шахслар ва борган жойларини аниқлаш мақсадида ўрганилади.

Вақтинчалик олиб қўйилган буюмлар шахс даволаш муассасасидан чиқаётган вақтда ўзига қайтариб берилади ёки унинг яқин қариндошлари ёхуд вакилларига топширилади.

Вақтинчалик олиб қўйилган буюмларни сақлаш (қўриқлаш) тегишли даволаш муассасаси томонидан ички ишлар органлари ва Миллий гвардия бўлинмалари билан биргаликда ташкиллаштирилади.

25. Коронавирус инфекцияси аниқланган шахслар ҳамда улар билан яқин мулоқотда ва мулоқотда бўлган шахсларни карантинда сақлаш муассасаларига етказиш махсус транспорт воситаларида (автобус, микроавто-

бус) амалга оширилади, бунда ҳайдовчи ўриндиғи салондан ажратилиши, дезинфекция жиҳозларлари ва ускуналари, ҳимоя ниқоблари, тиббий чиқиндиларни бир марталик йиғиш воситалари билан таъминланиши лозим.

26. Махсус транспорт воситалари ҳар бир ташишдан олдин ва кейин махсус ажратилган майдончада ювилади ва дезинфекцияланади, ишчиларнинг ҳимоя ва иш кийимлари ташиш якунига кўра режим бўйича дезинфекция қилинади.

27. Госпиталда, провизор госпиталда ва изоляторда ҳар куни жорий дезинфекция, улар бўшатиладиган кейин эса якуний дезинфекция ишлари олиб борилиши керак.

28. Карантин жойида мулоқотда бўлган шахсларни, ташриф буюрувчилар, транспорт воситалари киришлари ва чиқишлари, буюмлар, маҳсулотлар ва бошқаларни олиб киришни ва олиб чиқишни қатъий назорат қилиш учун Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия томонидан кеча-ю кундуз қўриқланади.

29. Коронавирус инфекцияси аниқланган шахслар билан мулоқотда бўлиб, карантинда сақланаётган шахслар орасида коронавирус инфекцияси бор бошқа шахс аниқланса, у госпиталга олинади ҳамда қолган шахслар учун карантин муддати қайтадан бошланади.

30. Коронавирус инфекцияси аниқланган шахслар билан мулоқотда бўлиб, карантинда сақланаётган шахслар орасида карантин муддатида коронавирус инфекцияси бор шахслар аниқланмаса улар даволаш муассасасидан чиқарилади.

31. Коронавирус инфекцияси аниқланган шахслар даволаш муолажаларидан сўнг коронавирус инфекциясидан тузалса ҳамда бу тегишли лаборатория текширувлари натижалари билан тасдиқланса, шахс даволаш муассасасидан чиқарилади.

32. Бемор уйига жавоб берилиши олдидан санитария ишловидан ўтказилади. Госпиталда беморларнинг уйига жавоб бериш тартиби юқумли касалликлар бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли бўйруқлари асосида амалга оширилади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

33. Карантин даврида ташкил этилган госпитал, провизор госпитал, изолятор ва обсерватор каби муассасалар фаолияти Республика, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар эпидемияга қарши кураш фавқулодда комиссияларининг тегишли қарори билан тугатилади.

34. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**134 Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бўйича низомларни тасдиқлаш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4125-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертларини қайта тайёрлаш, малакаси ва ҳуқуқий билимини ошириш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Суд эксперти сифатида касбий лаёқатни тасдиқловчи сертификат олган шахсларнинг ягона реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.Қ. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 24 март,
180-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 мартда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 24 мартдаги 180-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини
ташқил этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари (кейинги ўринларда нодавлат суд-экспертиза ташкилоти деб юритилади) фаолиятини ташқил этиш тартибини белгилайди.

2. Нодавлат суд-экспертиза ташкилоти фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишлари бўйича суд экспертизасини ўтказишга ихтисослаштирилган, штатида суд эксперти сертификатиغا эга мутахассислар (кейинги ўринларда суд эксперти деб юритилади) бўлган ташкилот ҳисобланади.

3. Нодавлат суд-экспертиза ташкилоти юридик шахс шаклида ташқил этилади.

Нодавлат суд-экспертиза ташкилоти раҳбари сифатида фақат суд эксперти фаолият олиб бориши мумкин.

Суд эксперти фақат битта нодавлат суд-экспертиза ташкилотининг муассиси (иштирокчиси) бўлиши мумкин.

4. Нодавлат суд-экспертиза ташкилоти суд экспертизасини ўтказишда давлат суд-экспертиза муассасалари каби функцияларни амалга оширади, улар каби ҳуқуққа эга бўлади, мажбуриятларни бажаради ва жавобгар ҳисобланади.

5. Нодавлат суд-экспертиза ташкилоти фақат суд экспертизасини амалга ошириш фаолияти билан шуғулланишга ҳақли.

Нодавлат суд-экспертиза ташкилотининг фирма номида унинг нодавлат суд-экспертиза ташкилоти эканлиги кўрсатилиши шарт.

**2-боб. Нодавлат суд-экспертиза ташкилоти томонидан
суд экспертизасини амалга ошириш**

6. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4125-сон қарорига 1-иловада кўрсатилган суд экспертизаларини амалга оширишга ҳақли.

Нодавлат суд-экспертиза ташкилоти суд экспертизасини ўтказишда Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 январдаги 5-сон қарори билан тасдиқланган Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга амал қилади.

7. Нодавлат суд-экспертиза ташкилоти юридик ва жисмоний шахслар-

нинг мурожаатлари асосида рухсат этилган суд экспертизаси турлари бўйича шартномага мувофиқ тадқиқотлар ўтказиши мумкин. Тадқиқот натижалари бўйича мутахассис фикри берилади.

8. Нодавлат суд-экспертиза ташкилоти ўзининг мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этиш ҳуқуқи асосидаги бинога, тегишли суд экспертизасини хавфсиз амалга оширишга имкон берадиган ва стандартлар талабларига мос бўлган моддий-техник базасига эга бўлиши лозим.

Нодавлат суд-экспертиза ташкилоти томонидан суд-экспертлик фаолиятини турар жойда амалга ошириш тақиқланади.

9. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотида суд экспертизаси шартномага мувофиқ пуллик асосда амалга оширилади.

Нодавлат суд-экспертиза ташкилоти амалга ошириладиган суд экспертизаси нархларини мустақил белгилайди.

10. Нодавлат суд-экспертиза ташкилоти томонидан суд экспертизалари ўтказилганлиги учун тўлов суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Экспертизани ўтказиш бўйича шартномага кўра тўлов амалга оширилмаганлиги текшириш объектлари ва иш материалларини экспертиза ўтказмасдан қайтариш учун асос ҳисобланади.

11. Суд экспертизасини тайинлаган орган нодавлат суд-экспертиза ташкилоти томонидан ўтказилган суд экспертизаси ҳулосасига қўшилмаган тақдирда қайта суд экспертизаси фақат давлат суд-экспертиза муассасаси томонидан амалга оширилади.

12. Давлат суд-экспертиза муассасалари томонидан амалга оширилган суд экспертизаси ҳулосаси бўйича қўшимча ва қайта суд экспертизаси, шу жумладан, комиссиявий ва комплекс суд экспертизалари нодавлат суд-экспертиза ташкилоти томонидан ўтказилиши мумкин.

13. Нодавлат суд-экспертиза ташкилоти республиканинг барча ҳудудларидан, шунингдек, хорижий мамлакатлардан олинган буюртмалар асосида суд экспертизасини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

14. Нодавлат суд-экспертиза ташкилоти суд экспертизасини ўтказишда тегишли давлат суд-экспертиза муассасаларининг илмий кенгашлари томонидан маъқулланган илмий-методик қўлланмаларга, шунингдек, мустақил тарзда ишлаб чиқилган ва давлат суд-экспертиза муассасаларида апробациядан ўтган методикаларга риоя қилиши лозим.

15. Суд эксперти лавозимдан бўшатилганда, вафот этганда ёки белгиланган тартибда қасдан жиноят содир этишда айбдор деб топилганда ёхуд қонун ҳужжатларига мувофиқ суд экспертизасини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи бошқа ҳолатлар юзага келганда унинг юритувида бўлган суд-экспертиза иши нодавлат суд-экспертиза раҳбари томонидан бошқа малакали суд экспертига топширилиши мумкин. Бу тўғрисида суд экспертизасини тайинлаган органга дарҳол хабар берилади.

Суд-экспертиза ишини бошқа малакали суд экспертига топшириш имконияти бўлмаганда нодавлат суд-экспертиза ташкилоти раҳбари уч кун-

лик муддатда текшириш объектлари ва иш материалларини суд экспертизасини тайинлаган органга қайтаради. Бунда, нодавлат суд-экспертиза ташкилоти амалга оширилган тўловни шартномага мувофиқ қайтаради.

16. Нодавлат суд-экспертиза ташкилоти томонидан экспертизани тайинлаган орган (шахс) билан келишмасдан бошқа шахсларни экспертиза ўтказиш учун жалб қилишга йўл қўйилмайди.

17. Суд-экспертизаси ўтказиш учун тушган иш бўйича томонларнинг бирортасига нисбатан аффилланган шахс бўлган нодавлат суд-экспертиза ташкилотига ёки нодавлат суд-экспертиза ташкилотининг суд экспертига бу иш бўйича суд экспертизасини ўтказиш тақиқланади.

Иш бўйича иштирок этаётган томонларнинг аффилланган шахси деб қуйидагилар тан олинади:

нодавлат суд-экспертиза ташкилотининг мулкдори, муассиси, кузатув кенгаши, ижро органи аъзоси, кредитори, суғурталовчиси;

устав жамғармаси (устав капитали)да нодавлат суд-экспертиза ташкилотининг ёки нодавлат суд-экспертиза ташкилоти суд экспертнинг улуши бўлган юридик шахс;

мазкур моддада кўрсатилган шахслар билан яқин қариндош бўлган шахслар.

3-боб. Нодавлат суд-экспертиза ташкилоти суд экспертларига қўйиладиган талаблар

18. Нодавлат суд-экспертиза ташкилоти штатида унинг раҳбаридан ташқари бир хил ёки турли хил суд экспертизаси йўналиши бўйича суд эксперти сертификатига эга камида икки нафар суд эксперти бўлиши лозим.

19. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотига суд эксперти лавозимини олий маълумотга, алоҳида ҳолларда эса ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотига эга бўлган шахслар эгаллаши мумкин.

Нодавлат суд-экспертиза ташкилотининг раҳбари олий маълумотли бўлиши шарт.

20. Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, қасддан содир этган жиноятлари учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс суд эксперти сифатида жалб этилиши мумкин эмас.

21. Нодавлат суд-экспертиза ташкилоти раҳбари ва суд экспертлари ҳар икки йилда малакаси ва ҳуқуқий билимларини оширишлари лозим.

22. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотининг суд эксперти томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда суд эксперти сертификатини олмасдан туриб ёки ҳар икки йилда малакаси ва ҳуқуқий билиминини оширмасдан суд экспертизаси ўтказилишига йўл қўйилмайди.

23. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертларини қайта тайёрлаш, малакаси ва ҳуқуқий билиминини ошириш ушбу Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ амалга оширилади.

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

24. Суд эксперти сертификатини олгандан кейин узлуксиз равишда беш йил давомида ўз ихтисослиги бўйича суд-экспертлик фаолиятини олиб бормаган шахс фақат қайта тайёрлаш курсларидан такроран муваффақиятли ўтгандан кейин суд экспертизасини ўтказишга ҳақли.

4-боб. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг рейтингини юритиш

25. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан унинг расмий веб-сайтида белгиланган тартибда жойлаштириладиган нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари рейтингини юритилади.

26. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари рейтингини қўйидаги мезонлар асосида юритилади:

штатдаги суд экспертларининг илмий даражаси;

лабораторияларнинг «Тадқиқот ва калибровка лабораторияларининг ваколатлиликка қўйиладиган умумий талаблар (ISO/IEC 17025)»га мувофиқ аккредитациядан ўтказилганлиги;

ўтказиладиган суд экспертизасининг турлари;

қайта ўтказилган суд экспертизасида ўз тасдиғини топмаган экспертиза хулосалари сони.

27. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари ҳар йили январь ойи якунига қадар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига штатдаги суд экспертларининг илмий даражаси, лабораторияларнинг «Тадқиқот ва калибровка лабораторияларининг ваколатлиликка қўйиладиган умумий талаблар (ISO/IEC 17025)»га мувофиқ аккредитациядан ўтказилганлиги, ўтказиладиган суд экспертизасининг турлари тўғрисидаги маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга тақдим этади.

28. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан амалга оширилган ва қайта суд экспертизасида ўз тасдиғини топмаган экспертиза хулосалари тўғрисидаги маълумотлар давлат суд-экспертиза муассасалари томонидан уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим қилинади.

29. Нодавлат суд-экспертиза ташкилоти суд эксперти томонидан берилган ва қайта суд экспертизасида ўз тасдиғини топмаган суд-экспертиза хулосаси тўғрисидаги маълумот Суд эксперти сифатида касбий лаёқатни тасдиқловчи сертификат олган шахсларнинг ягона реестрига киритилади ва беш йил давомида сақланади.

30. Суд эксперти сифатида касбий лаёқатни тасдиқловчи сертификат олган шахсларнинг ягона реестрини юритиш ушбу Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ амалга оширилади.

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 24 мартдаги 180-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд
экспертларини қайта тайёрлаш, малакаси ва ҳуқуқий
билимини ошириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг суд экспертларини қайта тайёрлаш, малакаси ва ҳуқуқий билимини ошириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

суд эксперти — нодавлат суд-экспертиза ташкилотида ўз хизмат вазифаларини бажариш тартибида суд экспертизасини ўтказувчи суд эксперти;

суд экспертини қайта тайёрлаш — олий ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлган шахсларни нодавлат суд-экспертиза ташкилотида суд эксперти сифатида фаолият олиб бориши учун зарур билим ва малакага эга бўлиши учун касбга қайта тайёрлаш;

суд экспертнинг малакасини ошириш — нодавлат суд-экспертиза ташкилоти суд экспертнинг мазкур Низомда белгиланган муддатларда ва тартибда амалий билимлари, кўникма ва малакаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш мақсадида малака ошириш курсларида касбий билим ва кўникмаларини ошириши;

суд экспертнинг ҳуқуқий билимини ошириш — нодавлат суд-экспертиза ташкилотида суд эксперти сифатида фаолият олиб бориш учун лозим бўлган ҳуқуқий билимларни эгаллаш ва амалиётда қўллай олиш кўникмаларини шакллантириш.

3. Суд экспертларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулайманова номидаги Республика суд экспертизаси маркази, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, Фанлар академиясининг Зоология институти, Фанлар академиясининг Ботаника институти ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси (кейинги ўринларда давлат муассасалари деб аталади) томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4125-сон қарорига 2-иловада белгиланган экспертиза турлари бўйича амалга оширилади.

Суд экспертларининг ҳуқуқий билимини ошириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулайманова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг Суд экспертларининг малакасини ошириш ўқув марказида амалга оширилади.

Давлат муассасалари қайта тайёрлашдан ва малака оширишдан ўтган

шахслар ҳақидаги маълумотларни уч кун ичида ёзма тарзда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим қилади. Тақдим қилинган маълумотда суд экспертнинг фамилияси, исми, отасининг исми, берилган сертификат рақами ҳамда санаси кўрсатилади.

2-боб. Суд экспертларини қайта тайёрлаш

4. Суд экспертларини қайта тайёрлашнинг мақсади — суд экспертизаларининг муайян тури бўйича назарий билим, амалий кўникма ва малакани шакллантириш, талабгорни нодавлат суд-экспертиза ташкилотида суд эксперти сифатида фаолият олиб боришга тайёрлашдан иборат.

Суд экспертларини қайта тайёрлаш суд экспертларини қайта тайёрлашга қўйиладиган талаблар асосида ташкил қилинади.

5. Қуйидагилар суд экспертларини қайта тайёрлашнинг вазифалари ҳисобланади:

тингловчиларни суд экспертизаси бўйича мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги мавжуд илмий ахборот ресурслари, илмий ва ўқув адабиётлари билан таништириш;

тингловчиларда суд экспертизаларининг муайян тури бўйича замонавий фан ва технологияга мувофиқ бўлган, илмий асосланган методикалар амалда қўлланилиши кўникмаларини шакллантириш;

тингловчиларни муайян суд экспертизасининг шаклланиш босқичлари тўғрисида, замонавий суд экспертизасининг сўнги ютуқлари ва имкониятлари ҳақида долзарб ахборот билан таъминлаш;

суд экспертлик фаолиятида зарур бўлган кўникмаларни етарлича шакллантириш учун лозим бўлган амалий машғулотларни ўтказиш;

тингловчиларда мустақил равишда суд экспертизасини ўтказиш ва суд экспертиза хулосасини расмийлаштириш учун зарур бўлган малакани шакллантириш.

6. Суд экспертларини қайта тайёрлаш ихтиёрийлик асосида суд экспертизасининг муайян тури бўйича касбий фаолият билан шуғулланиш истагини билдирган талабгорлар учун ташкил этилади.

7. Суд экспертини қайта тайёрлаш шартномага мувофиқ пуллик асосда ўтказилади.

8. Суд экспертизасининг муайян тури бўйича узлуксиз равишда 10 йил давомида суд-экспертлик фаолиятини амалга оширган суд эксперти ушбу ихтисослик бўйича қайта тайёрлаш курсларини ўтмасдан якуний имтиҳон топширишга ҳақли.

Суд эксперти сертификатини олгандан кейин узлуксиз равишда беш йил давомида ўз ихтисослиги бўйича суд-экспертлик фаолиятини олиб борманган шахс фақат қайта тайёрлаш курсларидан такроран муваффақиятли ўтгандан кейин суд экспертизасини ўтказишга ҳақли.

9. Давлат муассасаларида суд экспертларини қайта тайёрлаш ўқув дастурлари ва режалари асосида амалга оширилади.

10. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотининг раҳбари суд экспертлари-

нинг ўз вақтида малакаси ва ҳуқуқий билимларини ошириш учун масъул ҳисобланади.

3-боб. Суд экспертларини қайта тайёрлаш ўқув курсларига қабул қилиш

11. Қайта тайёрлаш ўқув курсига қабул қилишни ташкил этиш учун ҳар йили давлат муассасаси раҳбарининг буйруғи билан тоқ сондан иборат қабул комиссияси (кейинги ўринларда қабул комиссия деб аталади) ташкил этилади. Ушбу қабул комиссияси календарь йил давомида фаолият юритади.

12. Қабул комиссияси таркибига давлат муассасаси раҳбари, тегишли соҳа бўйича тажрибали суд экспертлари ҳамда давлат муассасаси бўйсунадиган вазирлик ёки идора вакили киради. Давлат муассасаси раҳбари комиссия раиси ҳисобланади. Комиссия аъзолари ичидан унинг котиби тайинланади.

Комиссия унинг учдан икки қисми аъзолари ҳозир бўлганда ваколатли ҳисобланади. Комиссия мажлисларида котиб томонидан мажлис баённомаси юритилади.

13. Суд экспертларини қайта тайёрлаш ўқув курслари, қоида тариқасида, йилига икки марта сентябрь ва март ойларида ташкил этилади.

14. Қайта тайёрлаш ўқув курсларига талабгорлардан ҳужжат қабул қилиш ўқув курси бошланишидан икки ой олдин бошланади ва ўқув курси бошланишига бир ой қолганда тўхтатилади.

15. Талабгорларни ўқув курсига қабул қилиш суҳбат шаклида ўтказилади ва ўқув курси бошланишидан бир ой олдин бошланади.

16. Қайта тайёрлаш ўқув курси ташкил этилиши, ўқув курсларининг тегишли суд-экспертлик ихтисосликлари бўйича давомийлиги, тўлов миқдори, ҳужжатлар қабул қилинадиган ва суҳбат ўтказиладиган жой тўғрисида давлат муассасасининг веб-сайтида ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон берилади.

17. Талабгор тегишли давлат муассасасига қуйидаги ҳужжатларни топширади:

давлат муассасаси раҳбари номига ариза (аризада талабгорнинг қайси тилда таълим олишни хоҳлаши кўрсатилади);

паспорт нусхаси (паспортнинг асл нусхаси ҳужжат топширишда кўрсатилади);

маълумоти тўғрисидаги диплом нусхаси;

3,5 x 4,5 ҳажмдаги икки дона фотосурат;

нодавлат суд-экспертиза ташкилоти номидан тавсиянома.

18. Қабул комиссияси котиби томонидан ҳар бир талабгор учун ҳужжатлар йиғмажилди шакллантирилади ва қабул комиссиясига кўриб чиқиш учун киритилади.

19. Суҳбат талабгорнинг умумий дунёқараши ва касбга қизиқиши, соҳа бўйича билимларини синовдан ўтказиш мақсадида қабул комиссияси томонидан ўзбек ёки рус тилида ўтказилади.

20. Сухбат натижаси бўйича ўқишга тавсия этилган талабгорга икки нусхада қайта тайёрлаш ўқув курсида ўқиш тўғрисидаги шартномани имзолаш таклиф этилади.

21. Қайта тайёрлаш тўғрисидаги шартномани имзолаган ва тўловни амалга оширган талабгорлар қайта тайёрлаш ўқув курсларига давлат муассасаси раҳбарининг буйруғи билан қабул қилинади.

4-боб. Суд экспертларини қайта тайёрлаш ўқув курсларини ташкил қилиш

22. Суд экспертларини қайта тайёрлаш ўқув курсларида ўқув машғулоти маъруза, семинар, амалий машғулоти, шунингдек интерфаол ўқитиш шаклларида (амалий, лаборатория, кейс-стади, тренинг, дебат) ташкил қилинади.

Таълим жараёни ўзбек ёки рус тилларида олиб борилади.

Ўқув жараёни суд экспертизасининг муайян тури бўйича шакллантирилган гуруҳ таркибида ёки яқка тартибда (индивидуал ўқиш) ўтказилади.

23. Ўқув жараёнининг давомийлиги ўқув режасига мувофиқ белгиланади. Ўқув жараёни ҳафтасига кўпи билан 36 академик соат ҳажмида амалга оширилади. Ўқув юкласининг умумий ҳажми суд экспертларини қайта тайёрлашга қўйиладиган талаблардан келиб чиққан ҳолда фанлар блоклари бўйича тақсимланади.

Маъруза, семинар ва амалий машғулотнинг ўқув соатлари миқдори қайта тайёрлаш курсининг давомийлигидан келиб чиқиб белгиланади. Бунда маъруза ва семинар ўқув юкласининг 40 фоизидан ошмаслиги лозим.

24. Суд экспертларини қайта тайёрлаш суд экспертиза турларига боғлиқ равишда камида олти ойдан (24 ҳафта) кам бўлмаган муддатда ташкил этилади.

Суд экспертларининг малакасини ошириш муддати уч ҳафта этиб белгиланади, бунда камида бир ҳафта суд экспертларининг ҳуқуқий билимларини оширишга ажратилади.

25. Ўқув курсининг барча турдаги аудитория машғулотларининг давомийлиги — 80 минут (икки академик соат) этиб белгиланади. Ўқув машғулоти орасида танаффус эълон қилинади.

26. Ўқув курсининг ҳар бир мустақил мавзуси бўйича тингловчи томонидан малака иши (реферат) ҳимоя қилинади.

27. Амалий машғулотларда тингловчилар тегишли суд-экспертлик фаолияти бўйича тадқиқотлар ва текширувларни мустақил тарзда ўтказиш ҳамда уларнинг натижаси бўйича зарур ҳужжатларни расмийлаштириш кўникмаларини эгаллайди.

28. Жорий ва оралиқ назорат, амалий машғулотлар натижаларини қайд қилиш, тингловчилар давоматини юритиш учун тегишли журнал юритилади.

29. Тингловчилар ўқув жараёнидан қуйидаги ҳолатларда давлат муассасаси раҳбарининг буйруғи билан четлаштирилади:

давлат муассасасининг ички тартиб-қоидаларини бузганлик учун;
узрли сабабларсиз 24 академик соатдан кўп ўқув машғулотларини қолдирганлик учун.

5-боб. Тингловчилар билимини баҳолаш

30. Ўқув курсида тингловчиларнинг билими ва амалий кўникмалари рейтинг тизими асосида баҳоланади.

Тингловчилар томонидан ўқув дастурларини ўзлаштириш даражаси жорий, оралиқ назорат ва якуний аттестация орқали аниқланади.

Якуний аттестация ўқиш даврида олинган назарий билимлар ва амалий кўникмаларни аниқлашга қаратилган ёзма ва амалий имтиҳон шаклида ўтказилади.

31. Ёзма ва амалий имтиҳон саволлари ўқув жараёнида ўзлаштирилган назарий билимлар ва амалий кўникмаларни синовдан ўтказиш учун ўқув жараёнида ўтилган мавзулар ва материаллар асосида тузилади.

32. Якуний аттестация қабул комиссияси томонидан ўтказилади. Якуний имтиҳон натижалари комиссия аъзолари томонидан имзоланадиган қайднома варақаларига киритилади.

Якуний аттестация ва апелляция шикоятини кўриб чиқиш жараёни видеотасвирга олинади. Видеотасвир уч ой давомида муҳрланган ҳолда давлат муассасасида сақланади.

33. Якуний аттестациядан ўтолмаган тингловчи уч кун ичида давлат муассасаси раҳбари номига апелляция шикояти билан мурожаат қилишга ҳақли.

Апелляция шикоятини кўриб чиқиш учун давлат муассасаси раҳбари буйруғи билан тоқ сондан иборат апелляция комиссияси ташкил этилади. Қабул комиссияси аъзоларининг кўпи билан ярми апелляция комиссияси таркибига кириши мумкин.

Шикоят апелляция комиссияси томонидан тингловчи иштирокида уч кун ичида кўриб чиқилади ҳамда тингловчининг аттестациядан ўтганлиги ёки ўтмаганлиги тўғрисида қарор қабул қилинади. Комиссия қарори унинг барча аъзолари томонидан имзоланади.

6-боб. Суд экспертларига сертификат бериш ёки беришни рад этиш, шунингдек, бекор қилиш тартиби

34. Суд экспертларини қайта тайёрлаш курси бўйича якуний аттестациядан муваффақиятли ўтган суд экспертларига ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ намунадаги суд эксперти сифатида касбий лаёқатни тасдиқловчи сертификат берилади.

Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертларига суд эксперти сифатида касбий лаёқатни тасдиқловчи сертификат Низомга 2-иловага* мувофиқ тартибда берилади.

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Якуний аттестациядан ўта олмаган тингловчиларга суд эксперти сифатида касбий лаёқатни тасдиқловчи сертификат ўрнига суд экспертларини қайта тайёрлаш бўйича курсларда таҳсил олганлиги ҳақида маълумотнома берилади.

Суд эксперти сифатида касбий лаёқатни тасдиқловчи сертификат беришни рад этиш асослари суд экспертиза турлари бўйича таълим дастурларида белгиланади.

35. Якуний аттестацияга узрли сабаблар билан қатнашмаган тингловчига бир ой ичида аттестацияни топширишга имконият берилади.

36. Суд эксперти сифатида касбий лаёқатни тасдиқловчи сертификат суд эксперти томонидан ҳар икки йилда малакаси ва ҳуқуқий билимлари ошириб борилганда муддатсиз амал қилади.

37. Суд эксперти сифатида касбий лаёқатни тасдиқловчи сертификат қўйидаги ҳолатларда бекор қилинади:

суд эксперти хулосаси устидан тушган шикоят тасдиғини топса;

суд экспертнинг фаолияти ушбу Низом талабларига мувофиқ эмаслиги аниқланса;

суд экспертизасини ўтказишда Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 январдаги 5-сон қарори билан тасдиқланган Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга амал қилмаганлиги аниқланса;

тегишли суд экспертизасини хавфсиз амалга оширишга имкон берадиган ва стандартлар талабларига мос бўлган моддий-техник базаси мавжуд бўлмаса;

суд-экспертлик фаолияти билан шуғулланиш даврида белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганда;

қасддан содир этган жиноятлари учун судланганда;

белгиланган тартибда ҳар икки йилда малакаси ва ҳуқуқий билимларини оширмаса.

38. Тушган шикоят юзасидан нодавлат суд-экспертиза ташкилоти фаолиятини ўрганиш тегишли тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигини хабардор қилган ҳолда давлат муассасаси томонидан амалга оширилади.

39. Суд эксперти сифатида касбий лаёқатни тасдиқловчи сертификат бекор қилинган суд эксперти умумий асосларда қайта сертификат олиши мумкин.

40. Давлат муассасаси суд эксперти сифатида касбий лаёқатни тасдиқловчи сертификат бекор қилинган суд эксперти тўғрисидаги маълумотни ўрганиш яқунланганидан сўнг уч кун ичида нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари рейтингига тегишли маълумотни киритиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим қилади.

**7-боб. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд
экспертларини қайта тайёрлаш ва малака оширишга
қўйиладиган талаблар**

41. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган талаблар (кейинги ўринларда Талаблар деб аталади) суд экспертларининг қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув дастурлари, таълим сифатини баҳолаш ва назорат қилиш бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

42. Қўйидагилар суд экспертларини қайта тайёрлашга ва малакасини оширишга қўйиладиган асосий талаблар ҳисобланади:

Конституция ва қонунларда белгиланган асосий принциплар ва қоидаларни билиш, қонун ҳужжатлари нормаларини тўғри англаш ва қўллаш қобилияти;

суд-экспертлик фаолиятини амалга ошириш қобилияти;
илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланиш қобилияти;
турли вазиятларга нисбатан руҳий барқарорлик.

43. Конституция ва қонунларда белгиланган асосий принциплар ва қоидаларни билиш, қонун ҳужжатлари нормаларини тўғри англаш ва қўллаш қобилияти қўйидагиларни назарда тутати:

Конституция ва қонунларда белгиланган асосий принциплар ҳамда қоидаларни, жумладан, процессуал нормаларни билиш ва уларнинг моҳиятини тушуниш;

қонун ҳужжатларида белгиланган фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларини билиш ва уларнинг қонун билан кафолатланишини англаш;

давлат ҳокимияти органлари тизимини ва уларнинг ташкил этилиши асосларини билиш;

соҳага оид қонун ҳужжатларини билиш, тушуниш ва уларни амалиётда қўллаш олиш.

44. Суд-экспертлик фаолиятини амалга ошириш қобилияти қўйидагиларни назарда тутати:

суд экспертизаси соҳасидаги билимларни қўллаш кўникмаларига эга бўлиш;

мустақил ижодий фикрлаш ҳамда соҳага оид ҳуқуқий нормаларни тўғри, бир хилда тушуниш ва қўллаш, уларнинг мазмунини аниқлай олиш;

суд экспертизаларининг методикаларини билиш, уларни тадқиқотлар ўтказишда мустақил ва тўғри қўллаш олиш;

дастлабки, қайта, қўшимча, комиссиявий ва комплекс экспертизалар бўйича тадқиқотларни ўтказиш олиш;

суд экспертизаси соҳасида замонавий ахборот технологияларини мустақил қўллаш, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишнинг амалий кўникмаларига эга бўлиш;

суд экспертизаларини тайинлаш ва ўтказишда мавжуд хатоларни аниқлай олиш ҳамда уларни бартараф этиш йўлларини билиш;

Ўз фаолиятида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишнинг асосларини билиш.

45. Илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланиш қобиляти қўйидагиларни назарда тутати:

суд-экспертиза соҳасида алоҳида мавзу ёки мавзунинг бир қисми бўйича илмий изланишлар ҳамда тажриба ўтказа олиш ва бундай фаолиятда иштирок этиш;

суд экспертларининг мавжуд методикаларини такомиллаштириш ёки янги методикалар яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш;

янги турдаги суд экспертларини жорий қилиш бўйича тегишли илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш.

46. Турли вазиятларга нисбатан руҳий барқарорлик қобиляти қўйидагиларни назарда тутати:

фаолиятида учраб турадиган зиддиятли вазиятларни олдиндан билиш ва уларни баҳолай олиш;

суд-экспертлик фаолиятида юзага келадиган коллизияларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўллари билиш;

турли вазиятларда аниқ ва қонунга мувофиқ ҳаракат қилиш.

47. Суд экспертларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган умумий талаблар, суд экспертларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифатини баҳолаш ҳамда назорат қилиш тартиби тегишли ўқув дастурлари билан белгиланади.

8-боб. Суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимини ошириш

48. Малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошираётган суд экспертларига ўқишнинг бутун даври мобайнида иш берувчи билан келишилган ҳолда асосий иш жойи бўйича эгаллаб турган лавозими ва ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолиниши мумкин.

49. Суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш курслари, давлат муассасаси томонидан тасдиқланган график-тақсимот асосида ташкил этилади.

50. Суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш шартномага мувофиқ тўлов асосида амалга оширилади.

51. Суд экспертнинг навбатдаги малака ва ҳуқуқий билимини ошириш муддатидан камида бир ой олдин нодавлат суд-экспертиза ташкилоти раҳбари тегишли давлат муассасасига мазкур Низомга 3-иловага* мувофиқ ариза билан мурожаат қилади.

52. Нодавлат суд-экспертиза ташкилоти томонидан тегишли ўқув курси бошланишидан камида ўн кун олдин шартномага мувофиқ тўлов амалга оширилади.

53. Суд экспертларининг малакасини ошириш муддати икки ҳафтани, ҳуқуқий билимларини ошириш муддати эса бир ҳафтани ташкил қилади.

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўқув жараёни ҳафтасига кўпи билан 36 академик соат ҳажмида амалга оширилади.

9-боб. Суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимини ошириш бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш

54. Суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимини ошириш алоҳида ўқув дастурлари асосида амалга оширилади.

55. Ўқув жараёни гуруҳ таркибида ёки яқка тартибда суд экспертизаларининг муайян бир тури бўйича ташкил этилади.

56. Давлат муассасалари:

мультимедиа ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

фанларнинг суд экспертиза амалиёти билан алоқасини таъминлайди, ўқув жараёнига суд экспертизаси соҳасидаги илғор илмий тадқиқотлар натижалари, педагогик технологиялар, машғулотлар ўтказишнинг самарали шакл ва усулларини жорий этади;

суд экспертлари томонидан ўз мутахассислиги бўйича янги назарий билимлар ва замонавий тадқиқот усуллари, илғор амалий тажрибадан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантиришни таъминлайди;

мамлакатимизда ва хорижда ишлаб чиқилган суд экспертизаси фанларига тааллуқли илмий, методик ва техник янгиликлар, илғор тажрибани ўрганади ҳамда ўқув жараёнига жорий қилади;

ўқув жараёнининг лозим даражада ташкил қилиниши ва ўтказилиши учун жавоб беради.

57. Ўқув жараёни муайян йўналиш бўйича узлуксиз машғулотлар (кун давомида бошқа турдаги машғулотларга жалб этмасдан) тарзида амалга оширилади.

58. Суд экспертларининг малакасини ошириш жараёнида малакавий амалиёт ўтказилиши назарда тутилади.

59. Суд экспертини малака ва ҳуқуқий билимни ошириш курсига қабул қилиш бўйича давлат муассасаси раҳбарининг буйруғи қабул қилинади.

60. Суд экспертлари қуйидаги ҳолатларда ўқув курсидан четлаштирилади:

давлат муассасаси ички тартиб-қоидаларини бузганлик учун;

узрли сабабларсиз 8 академик соатдан кўп ўқув машғулотларини қолдирганлик учун.

61. Суд эксперти ўз аризасига кўра ўқув жараёнидан четлаштирилиши мумкин. Узрли сабабларга кўра ўқишни давом эттира олмаган суд экспертига келгусида ташкил этиладиган ўқув курсларида ўқиш имкони берилади.

62. Суд экспертини ўқув жараёнидан четлаштириш давлат муассасаси раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади ва бу ҳақда тегишли нодавлат суд-экспертизаси ташкилотига хабар берилади.

10-боб. Суд экспертларининг билимини баҳолаш

63. Ўқув жараёнига жалб қилинган суд экспертлари билимларини баҳолаш якуний назоратлар натижасига кўра амалга оширилади.

Малака ва ҳуқуқий билимларни ошириш бўйича якуний назорат тест ёки ёзма имтиҳон шаклида ўтказилади.

64. Якуний назоратни ўтказиш учун давлат муассасаси раҳбарининг буйруғи билан комиссия ташкил этилади. Комиссия таркибига давлат муассасаси буйсунадиган вазирликлар ва идоралар, шунингдек, олий таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари улар билан келишган ҳолда киритилиши мумкин.

Якуний назорат натижалари комиссия аъзолари томонидан имзоландиган қайднома варақаларига киритилади.

65. Малака ошириш ўқув дастурини муваффақиятли ўзлаштирган суд экспертига ушбу Низомга 4-иловага* мувофиқ намунадаги сертификат берилади.

Ҳуқуқий билимини ошириш ўқув дастурини муваффақиятли ўзлаштирган суд экспертига ушбу Низомга 5-иловага* мувофиқ намунадаги сертификат берилади.

66. Якуний назоратлардан ўта олмаган ёки узрли сабабларга кўра уларда иштирок эта олмаган суд экспертига, унинг аризасига биноан, бир ой ичида якуний назоратни қайта топшириш имкони берилади.

67. Белгиланган муддатларда малакасини ва ҳуқуқий билимларини оширмаган ёки якуний назоратдан қайта ўта олмаган суд эксперти малакасини ва ҳуқуқий билимларини оширишдан ўтмаган деб ҳисобланади.

68. Малакасини ва ҳуқуқий билимларни оширишдан ўтмаган суд эксперти ушбу Низомда белгиланган тартибда малака ва ҳуқуқий билимини ошириш курсида такроран ўқиши мумкин.

69. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари малакасини ва ҳуқуқий билимларини оширишдан ўтган суд экспертлари тўғрисидаги маълумотни уч кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим қилади.

70. Белгиланган муддатларда суд экспертларининг малакаси ва ҳуқуқий билимлари оширилишини таъминламаган нодавлат суд-экспертиза ташкилотига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан огоҳлантириш берилади ва унинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

71. Малакасини ва ҳуқуқий билимларни оширишдан ўтган суд экспертлари тўғрисидаги маълумот Суд эксперти сифатида касбий лаёқатни тасдиқловчи сертификат олган шахсларнинг Ягона реестрига киритилади.

* 4-5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 24 мартдаги 180-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Суд эксперти сифатида касбий лаёқатни тасдиқловчи
сертификат олган шахсларнинг ягона реестрини юритиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом суд эксперти сифатида касбий лаёқатни тасдиқловчи сертификат олган шахсларнинг ягона реестрини юритиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

суд эксперти сертификати — муайян суд экспертизаси тури бўйича нодавлат суд-экспертиза ташкилоти суд экспертнинг касбий лаёқатини тасдиқловчи ҳужжат;

Ягона реестр — суд эксперти сертификатини олган шахслар тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган, доимий янгиланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан юритиладиган ягона маълумотлар базаси ҳисобланади.

Ягона реестр Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Юридик таълим ва суд-экспертиза фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси томонидан юритилади.

3. Ягона реестрга нодавлат суд-экспертиза ташкилотидан меҳнат шартномаси асосида ишга қабул қилинган суд экспертлари тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

4. Ягона реестрга киритилган маълумот нодавлат суд-экспертиза ташкилоти суд эксперти касбий лаёқатининг расмий тасдиғи ҳисобланади.

5. Суд эксперти тўғрисидаги маълумотни Ягона реестрга киритиш учун тўлов ундирилмайди.

6. Ягона реестр заруратга қараб янгиланиб борилади.

2-боб. Ягона реестрни шакллантириш

7. Манфаатдор шахс Ягона реестрга киритиш ҳақидаги ариза билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қуйидаги ҳужжатларни шахсан ёки почта орқали тақдим қилади:

ариза;

паспорт нусхаси;

суд эксперти сертификатининг нусхаси;

нодавлат суд-экспертиза ташкилотига ишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқ нусхаси.

Аризада суд эксперти ишга қабул қилинган нодавлат суд-экспертиза ташкилотининг номи, манзили ва телефон рақамлари кўрсатилади.

8. Нодавлат суд-экспертиза ташкилоти раҳбари суд экспертнинг Ўзбекистон Республикаси «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонунининг 10-моддаси талабларига мувофиқлиги учун масъул ҳисобланади.

9. Ҳужжатларда камчиликлар аниқланмаган тақдирда беш иш куни ичида суд эксперти тўғрисидаги маълумот Ягона реестрга киритилади.

10. Ягона реестрга маълумотларни киритиш ва чиқариш Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

11. Ҳужжатлар тегишли равишда расмийлаштирилмаган ҳолда тақдим этилганда ёки ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда суд эксперти тўғрисидаги маълумотни Ягона реестрга киритиш рад этилади.

Нодавлат суд-экспертиза ташкилотига ва ариза берувчига Ягона реестрга маълумот киритилганлиги ёки маълумот киритиш рад этилганлиги тўғрисида ёзма тарзда маълум қилинади.

Ягона реестрга киритилган суд эксперти билан меҳнат муносабатлари тугатилган тақдирда нодавлат суд-экспертиза ташкилоти бу ҳақда уч кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёзма тарзда маълум қилиши шарт.

Суд экспертнинг нодавлат суд-экспертиза ташкилотидан ишдан бўшганлиги ушбу суд экспертига тегишли маълумотни Ягона реестрдан чиқаришга асос бўлади.

3-боб. Ягона реестрни юритиш

12. Ягона реестр ушбу Низомга иловага* мувофиқ шаклда юритилади.

13. Ягона реестрда суд экспертлари тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

суд экспертига берилган тартиб рақами;

Ягона реестрга киритилган сана;

суд экспертнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

суд эксперти фаолият юритадиган нодавлат суд-экспертиза ташкилотининг номи, манзили, телефон рақами;

суд экспертнинг ихтисослашган суд-экспертиза тури;

суд эксперти сертификатининг реквизитлари;

Ягона реестрдан чиқарилган сана;

қўшимча маълумотлар (малака ва ҳуқуқий билимни оширганлик ва бошқалар).

14. Ягона реестрдаги маълумотлар ўзгарган ҳолларда суд эксперти уч иш кунида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ариза билан муносабат қилиши керак.

Аризага маълумотлар ўзгарганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинади.

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Суд эксперти бошқа нодавлат суд-экспертиза ташкилотига ишга ўтган тақдирда ушбу Низомнинг 7-бандида кўрсатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига мурожаат қилади.

Тақдим қилинган ҳужжатлар асосида Адлия вазирлиги беш иш кунда Ягона реестрга тегишли ўзгартиришларни киритади.

15. Қўйидаги ҳолларда суд эксперти тўғрисидаги маълумотлар Ягона реестрдан чиқарилади:

Ягона реестрдан чиқариш тўғрисида ариза берилганда;
суд эксперти вафот этганда;

Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуни 10-моддасида назарда тутилган ҳолатлардан бири юзага келганда.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

16. Ягона реестр Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

17. Суд эксперти тўғрисидаги маълумотларни Ягона реестрга киритиш рад этилганлиги ёки чиқарилганлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

18. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**135 Уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали даромади юқори бўлмаган ҳамда уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган оилалар, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёшлар ва шу тоифадаги бошқа аҳоли қатламларига кўмаклашиш ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашда манзиллилик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ–5886-сон Фармони билан айрим шахсларга, шу жумладан, даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлганларга ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва (ёки) фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига субсидиялар тўланиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

уй-жой сотиб олишга ипотека кредитининг бошланғич бадал ва (ёки) фоизларнинг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш;

уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқаролар томонидан субсидия олиш учун ариза бериш, ариза берувчини ижтимоий мезонлар бўйича баҳолаш;

туман (шаҳар)да уй-жой сотиб олиш учун субсидия тўланадиган талабгорларни танлаш бўйича комиссиялар фаолиятини ташкил этиш ва ижтимоий мезонлар бўйича баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш;

сотиб олинадиган уй-жойларни аниқлаш, ажратиладиган ипотека кредити бўйича субсидияни ҳисоблаш, ипотека кредитини расмийлаштириш ва субсидияларни тўлаб бериш тартиби.

3. Белгилансинки:

Давлат хизматлари агентлиги ҳудудий бўлинмалари ва ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали уй-жой сотиб олиш учун субсидия тўланадиган шахсларни танлаш жараёнида кўрсатиладиган хизматлар;

тегишли ташкилотлар томонидан уй-жой сотиб олиш учун субсидия

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 25 мартда эълон қилинган.

тўланадиган шахсларни танлашда фойдаланиладиган маълумотлар (хужжатлар) истисно тариқасида тўловларсиз амалга оширилади;

ҳар йили давлат бюджетидан шаҳар ва қишлоқ жойларида қурилган кўп қаватли уйлардан бирламчи бозорда квартиралар сотиб олишда ипотека кредитлари бўйича бошланғич бадал ва (ёки) фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида ажратиладиган субсидиялар тегишли молия йили учун тасдиқланган параметрлар доирасида амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги «Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази» ДУК (кейинги ўринларда — Марказ) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 апрелга қадар:

давлат хизматлари марказларини, ариза берувчининг белгиланган ижтимоий мезонларга мос келишини аниқлаш ва баҳолашга масъул бўлган ташкилотларнинг туман (шаҳар) бўлимларини, субсидия тўланадиган талабгор шахсларни танлаб олиш бўйича доимий ишлайдиган ҳудудий комиссиянинг ЯИДХПга уланишини;

ушбу қарор билан тасдиқланган давлат хизматини кўрсатиш ЯИДХП орқали жорий этилишини;

ЯИДХПда давлат хизматлари кўрсатишнинг ҳар бир босқичида мурожаатларнинг кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартиби жорий этилишини таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ЯИДХПга электрон давлат хизматини жорий қилиш бўйича Регламент бир ҳафта муддатда Марказга киритилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси 2020 йил 1 июнга қадар:

талабгорларнинг белгиланган ижтимоий мезонларга мос келишини аниқлаш ва баҳолашга масъул бўлган ташкилотларнинг туман (шаҳар) бўлимлари, субсидия тўланадиган талабгор шахсларни танлаб олиш бўйича доимий ишлайдиган ҳудудий комиссиянинг «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимига уланишини;

Марказ билан биргаликда «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими Ягона интерактив давлат хизматлари порталига уланишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги Марказ билан биргаликда 2020 йил 1 июлга қадар уй-жой сотиб олиш учун субсидия тўланадиган шахсларни баллар асосида баҳолаш дастурий таъминот (кейинги ўринларда — дастурий таъминот) тизими яратилишини ва ЯИДХПга интеграциялашувини таъминласинлар.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги дастурий таъминотнинг оператори этиб белгилансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги дастурий таъминот ти-

зими яратиш ҳамда зарур аппарат-дастурий комплекслар билан жиҳозлаш билан боғлиқ бўлган харажатларни Давлат бюджетидан молиялаштириш чорасини кўрсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодиёт ва саноат вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси молия вазири Т.А. Ишметов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 25 март,
182-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 25 мартдаги 182-сон қарорига
ИЛОВА

**Уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон Фармони асосида жорий этилган бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби (кейинги ўринларда — янги тартиб) доирасида уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредити бўйича бошланғич бадал ва (ёки) фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари (кейинги ўринларда — Давлат бюджети) ҳисобига субсидия тақдим этиладиган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини (кейинги ўринларда — фуқаролар), шу жумладан, даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни аниқлаш мезонлари, субсидияларни ҳисоблаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ариза берувчи — ипотека кредитлари бўйича бошланғич бадал ва (ёки) фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия олиш мақсадида ариза билан мурожаат қилувчи 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

баллар — уй-жойга мухтож фуқароларни аниқлаш ва уларнинг ижтимоий устуворлигини белгилаш учун фойдаланиладиган ижтимоий мезонлар бўйича баҳолар тўплами;

бошланғич бадал — бирламчи бозордаги уй-жойларни сотиб олишда:

шаҳарларда — сотиб олинadиган квартира қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги маблағлар;

қишлоқ жойларда — сотиб олинadиган квартира қийматининг камида 10 фоизи миқдоридаги маблағлар;

даромади юқори бўлмаган оила — қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланиши мумкин бўлган ўртача ойлик даромадлар миқдори:

қишлоқ жойларда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг (кейинги ўринларда — МҲТЭКМ) 3,8 дан 5,8 бараваригача;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар шаҳарларида белгиланган МҲТЭКМнинг 4,0 дан 6,5 бараваригача;

Тошкент шаҳрида белгиланган МҲТЭКМнинг 4,5 дан 9,0 бараваригача бўлган оилалар;

ижтимоий мезонлар — уй-жой шароитини яхшилашга мухтож фуқароларни аниқлашда қўлланиладиган ушбу Низомга 1-иловада* келтирилган асосий кўрсаткичлар;

иштирок этувчи тижорат банклари — фуқаролар томонидан бирламчи бозорда танланган уй-жойларни сотиб олишга ипотека кредитини тақдим этувчи тижорат банклари;

талабгор — ипотека кредитлари бўйича субсидия бериш тўғрисида ижобий хабарномани олган ариза берувчи;

субсидия — ипотека кредитлари асосида уй-жой сотиб олиш учун бошланғич бадал ва (ёки) кредит фоизининг бир қисмини қоплаш мақсадида давлат бюджетидан фуқаро учун банкда унинг номига очилган тегишли ҳисобварағига ўтказилган маблағлар;

бошланғич бадал учун субсидия — талабгорга Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар шаҳарларида ҳамда Тошкент шаҳрида қурилган уй-жойни ипотека кредити асосида сотиб олишда бошланғич бадалнинг бир қисмини қоплаш учун уй-жой ҳисобланган қийматининг 10 фоизи миқдорида Давлат бюджетидан талабгор номига банкда очилган тегишли ҳисобварағига ўтказилган маблағлар;

фоиз учун субсидия — талабгорга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар шаҳарлари ва Тошкент шаҳрида (кейинги ўринларда шаҳарлар деб аталади) ва туман маъмурий марказларига туташ ҳудудларда (кейинги ўринларда — қишлоқ жойлар) қурилган уй-жойни сотиб олишда ипотека кредити фоизининг бир қисмини қоплаш учун Давлат бюджетидан талабгорнинг банкда очилган тегишли ҳисобварағига биринчи 5 йил давомида ўтказиладиган маблағлар;

уй-жойлар — шаҳар ва қишлоқ жойларда янги тартибда (шу жум-

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ладан, янги тартиб доирасидан ташқари) қурилган бирламчи бозорда сотиладиган кўп квартирали уйлардаги квартиралар;

уй-жойнинг ҳисобланган қиймати — ҳар йили келгуси йил учун бирламчи бозордаги уй-жойларни сотиб олишга ажратилиши мумкин бўлган ипотека кредитлари ва Давлат бюджетидан бошланғич бадалнинг бир қисмини қоплашга ажратиладиган субсидиянинг юқори миқдорларини белгилаш мақсадида квартира бир квадрат метрининг тегишли ҳудуддаги ўртача бозор қиймати ҳамда икки ва уч хонали квартиралар майдонининг энг кам меъёрларини инобатга олган ҳолда аниқланадиган қиймат;

хабарнома — туман (шаҳар) Давлат хизматлари маркази ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ариза берувчига юбориладиган ушбу Низомга 2 ва 2а-иловаларга* мувофиқ давлат бюджетидан субсидия бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисида комиссиянинг QR-кода эга бўлган қарори;

комиссия — тегишли туман (шаҳар) ҳокими қарори билан тасдиқланган туман (шаҳар)да субсидия тўланадиган фуқароларни танлаб олиш бўйича ушбу Низомга 3-иловага* мувофиқ намунавий таркибда шакллантириладиган комиссия.

3. Ушбу Низом доирасида шаҳар ва қишлоқ жойларда бирламчи бозордаги уй-жойлар аҳолига бозор шартлари асосида белгиланадиган фоиз ставкаларида ипотека кредитлари асосида сотилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги ҳар йили келгуси йил учун квартира бир квадрат метрининг тегишли ҳудуддаги ўртача бозор қиймати ҳамда икки ва уч хонали квартиралар майдонининг энг кам меъёрларини инобатга олган ҳолда уй-жойнинг ҳисобланган қийматини аниқлайди.

Уй-жойнинг ҳисобланган қиймати қўйидаги мақсадларда қўлланилади:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тижорат банкларига ажратилган маблағлар ҳисобидан бирламчи бозордаги уй-жойларни сотиб олишга ажратилиши мумкин бўлган ипотека кредитларининг;

шаҳарларда талабгорлар учун давлат бюджетидан бошланғич бадалнинг бир қисмини қоплашга ажратиладиган субсидиянинг юқори миқдорларини белгилаш.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари шаҳар ва қишлоқ жойларда белгиланган тартибда тасдиқланган субсидиялар тўлашнинг мақсадли параметрларидан келиб чиқиб, субсидияларни туман (шаҳар)лар бўйича қурилган уй-жойлар сонига мутаносиб равишда тақсимлаш ва зарур ҳолларда қайта тақсимлаш бўйича қарор қабул қилади.

Субсидиялар субсидия тўлашнинг мақсадли параметрларида белгиланган ҳудуддаги қурилган уй-жойлар учун йўналтирилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат

* 2-3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

вазирлиги, Қурилиш вазирлиги туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда шаҳар ва қишлоқ жойларда қурилиши режалаштирилаётган уй-жойлар сони, уй-жой олиш истагида бўлганларнинг ариза билан мурожаат қилишининг бошланғич ва якуний муддатлари, субсидия тўланадиган фуқароларни танлаб олиш мезонлари, субсидия сони ва умумий ҳажми ҳамда бериш тартиби ва шартларини кўрсатган ҳолда интернет тармоқлари ва оммавий ахборот воситалари орқали белгиланган муддатда эълон беради.

7. Ариза берувчи тақдим этилган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар асосида ижтимоий мезонларга мос келишини аниқлаш ва баҳолаш қуйидаги масъул ташкилотларнинг туман (шаҳар) бўлимлари (кейинги ўринларда — масъул ташкилотлар) томонидан амалга оширилади:

тиббиёт бирлашмаси;

ички ишлар бўлими (бошқармаси);

молия бўлими;

давлат солиқ инспекцияси;

аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази;

ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси;

туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг туман (шаҳар) кенгаши;

туман (шаҳар) ҳокимлиги;

иштирок этувчи тижорат банклари.

8. Уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш ушбу Низомга 4-иловага* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

2-боб. Субсидия олиш учун ариза бериш тартиби

9. Шаҳар ва қишлоқ жойларда қурилган бирламчи бозордаги уй-жойларни сотиб олишга ажратилган ипотека кредитлари бўйича субсидия тўланадиган талабгорларни танлаш комиссия ва масъул ташкилотлар томонидан қонунийлик, шаффофлик, адолат ва ҳаққонийлик тамойиллари асосида амалга оширилади.

10. Ариза берувчи ипотека кредитлари бўйича субсидия олиш учун исталган туман (шаҳар) Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этади ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП)да давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун рўйхатдан ўтади.

Ўзи келиб мурожаат этганда Давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса ариза берувчи мустақил равишда ушбу Низомга 5-иловага* мувофиқ давлат хизматидан фойдаланиш учун анкета-аризани электрон тарзда тўлдиради ва қуйидаги ҳужжатларни электрон тарзда илова қилади ёки маълумотларни тақдим этади:

а) жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами маълумотлари;

* 4-5-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

б) оила аъзоларининг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами маълумотлари ва никоҳ қайд этилганлиги гувоҳномаси (тўлиқ оила ва никоҳ ҳамда вояга етган фарзандлар мавжуд бўлган тақдирда) ва (ёки) фарзандлар туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномалар (вояга етмаган фарзандлар мавжуд бўлган тақдирда) нусхалари;

в) белгиланган тартибда никоҳ бекор қилинганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки никоҳ ҳақиқий эмас деб тан олинганлиги тўғрисида суд қарори (никоҳ қайд этилган ҳолатда) ёки оилавий ҳолати тўғрисида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари архивидан маълумотнома нусхаси (никоҳ қайд этилмаган ҳолатда);

г) доимий прописка жойидан кадастр рақами ва турига тегишли маълумотлар (агар турар жойи доимий прописка жойи билан тўғри келса);

д) доимий прописка жойидан уй дафтارينинг ёки квартиралар бўйича карточканинг (17-шакл) нусхаси (агар турар жойи доимий прописка жойи билан тўғри келса);

е) Ариза берувчи ва биргаликда қарз олувчиларнинг даромади ва ушлаб қолинган даромад солиқлари тўғрисидаги маълумотнома (қўшимча даромадлар бўлса солиқ декларацияси).

Ариза берувчидан ушбу бандда кўрсатилмаган маълумот ва ҳужжатларни талаб қилиш қатъиян тақиқланади.

Меҳнат мигрантлари номидан ипотека кредитлари бўйича субсидия олиш тўғрисидаги аризани унинг оила аъзолари бериши мумкин.

Давлат хизматлари маркази ва ЯИДХП орқали кўрсатиладиган хизматлар ариза берувчиларга тўловларсиз амалга оширилади.

11. Ариза берувчи томонидан ипотека кредитлари бўйича субсидия олиш учун ариза бериш муддати йилнинг 1 мартдан 1 октябргача этиб белгиланади. Ушбу муддат тугагандан кейин тақдим этилган аризалар кўриб чиқилмайди.

12. Ариза берувчи туман (шаҳар) Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали тақдим этиладиган ҳужжатлар ва уларда кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги учун жавоб беради.

13. ЯИДХП орқали мурожаат этилган тақдирда ариза берувчи анкета-аризага асосан зарур бўлган маълумотларни ўзи киритади.

3-боб. Масъул ташкилотлар томонидан ариза берувчини ижтимоий мезонлар бўйича баҳолаш тартиби

14. Давлат хизматлари марказлари сўровнома тўлдирилган вақтдан бошлаб бир соат мобайнида уни ушбу Низомнинг 7-бандида назарда тутилган масъул ташкилотларга электрон тарзда юборади.

ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда сўровнома автоматик тарзда ушбу Низомнинг 7-бандида назарда тутилган масъул ташкилотларга юборилади.

15. Давлат хизматлари марказлари, комиссия ҳамда масъул ташкилотлар ўртасида ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони (кейинги ўрин-

ларда — ЭРИ) мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро ўзаро электрон боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

Масъул ташкилотлар ўн иш кунида ариза берувчининг ижтимоий мезонларга мувофиқлигини у томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида ўрганиб чиқиб, ЯИДХПга онлайн электрон шаклда қуйидаги маълумотларни тасдиқлайди:

тиббиёт бирлашмаси — ариза берувчининг оила аъзолари орасида сурункали касалликнинг оғир турларидан азоб чекувчи ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ алоҳида хонада яшашга муҳтож бўлган шахслар, биринчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг, ёлғиз ўзи оғир ногиронликка олиб келувчи касалликка чалинган болани парваришлаётган аёлларнинг мавжудлиги;

ички ишлар бўлими (бошқарма) — ариза берувчини бошқа оилалар билан бир уйда (бир квартирада) яшаши;

молия бўлими — тақдим этиладиган субсидияларнинг миқдори бўйича ажратилган маблағларнинг мавжудлиги;

давлат солиқ инспекцияси — солиқ тўловчининг идентификация рақами, турар жойда ижара шартлари асосида яшаши ва ариза берувчининг даромадлари;

аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази — ариза берувчининг кам таъминланганлиги, «Меҳнат — миграция» дастурида рўйхатдан ўтганлиги ҳамда хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётганлиги (оширганлиги);

туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси — ариза берувчида, шу жумладан, унинг турмуш ўртоғи ва фарзандларида мулк ҳуқуқи билан турар жойнинг бор-йўқлиги, яшаш учун яроқсиз турар жойда яшаши, уй-жой умумий майдонининг бир шахс учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган ижтимоий нормага мувофиқ эмаслиги;

туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари — ариза берувчининг оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашган муҳтож оналар — тоифасига мансублиги;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг туман (шаҳар) кенгаши — ариза берувчининг алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилалар тоифасига мансублиги;

туман (шаҳар) ҳокимлиги — ариза берувчининг етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тоифасига мансублиги;

иштирок этувчи тижорат банклари — ариза берувчи фуқаро (биргаликда қарз олувчи)нинг ажратиладиган ипотека кредити бўйича тўлов қобилияти, унга ажратилиши мумкин бўлган ипотека кредити ва сотиб олиши мумкин бўлган уй-жойнинг юқори қиймати, кредит ташкилотлари-

дан аввалги олинган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликларининг мавжуд эмаслиги.

16. Агар ариза берувчининг ўртача ойлик даромадлари миқдори ушбу Низомнинг 2-бандида кўрсатилган меъёрлардан кам бўлса, унинг даромадлари ҳисоб-китобига хотини (эри), улар билан бир уйда биргаликда яшовчи ота-онаси ҳамда фарзандларининг (шу жумладан, асраб олинган фарзандлари) даромадлари ҳам киритилиши мумкин.

17. ЯИДХПда масъул ташкилотлар ўрганиб чиқиш натижаларига кўра киритилган маълумотлар асосида ариза берувчининг ижтимоий мезонларга мувофиқлиги автоматлаштирилган тарзда баллар кўринишида баҳоланади.

18. ЯИДХПда масъул ташкилотларнинг баҳолаш натижалари комиссияга ариза берувчи иштирокида муҳокама этиш учун юборилади.

4-боб. Комиссия фаолиятини ташкил этиш

19. Комиссия аъзолари жамоатчилик асосида ишлайдилар.

20. Комиссия унинг ваколатларига тегишли масалаларни Комиссия раиси бошчилигида ўтказиладиган йиғилишларда кўриб чиқади.

21. Комиссия раиси:

Комиссиянинг умумий фаолиятига раҳбарлик қилади, унинг иш режаси бажарилиши юзасидан доимий назоратни амалга оширади;

комиссиянинг йиғилишларини чақиради ва уларда раислик қилади;

комиссия ваколатига тегишли бўлган масалаларни унинг йиғилишида кўриб чиқиш учун киритади;

комиссия қарорларини тасдиқлайди.

22. Комиссия котиби:

комиссия раисининг топшириқларига асосан комиссия аъзоларини комиссия йиғилишининг ўтказиладиган жойи, вақти ва санаси тўғрисида хабардор қилади;

комиссия иш режаларини тайёрлайди;

комиссия баённомаларини юритади ва тасдиқланган баённомаларни комиссия аъзоларига юборади;

комиссия далолатномалари ва хулосаларини манзилларга етказилади;

комиссия иш юритувини амалга оширади.

23. Комиссиянинг барча йиғилишлари баённома билан расмийлаштирилади ва қарор шаклида қабул қилинади.

24. Комиссия ишининг ташкилий шакли йиғилиш ҳисобланади. Комиссия мажлислари комиссия аъзолари рўйхатдаги таркибининг камида учдан икки қисми қатнашган тақдирда ўтказилади. Бунда, туман (шаҳар) молия, солиқ идораларининг ва иштирок этувчи тижорат банкларининг вакиллари бир вақтнинг ўзида комиссия йиғилишида иштирок этиши шарт.

25. Кворум бўлмаган ҳамда туман (шаҳар) молия, солиқ органларининг ва иштирок этувчи тижорат банкларининг вакилларида бири комиссия

Йиғилишида қатнашмаган тақдирда комиссиянинг мажлисга келган аъзолари томонидан мажлисни кечиктириш тўғрисида қарор қабул қилинади, мажлисни ўтказишнинг янги санаси ва вақти тўғрисида қўшимча равишда комиссия котиби томонидан хабар қилинади.

26. Комиссия йиғилишларида иштирок этаётган аъзоларининг учдан икки қисми ёқлаб овоз берган комиссия қарорлари қабул қилинган ҳисобланади ва ушбу йиғилишларда қабул қилинган қарорлар йиғилиш котиби томонидан баённома билан расмийлаштирилади.

27. Комиссия қарорлари комиссия раиси томонидан имзоланади.

28. Комиссия ҳужжатлари туман (шаҳар) иқтисодиёт ва саноат бўлимида белгиланган муддатгача сақланади.

29. Комиссия ўзининг иш регламентини тасдиқлайди.

30. Комиссия котиби ариза берувчини унинг аризаси комиссия йиғилишида кўриб чиқилишидан 5 кун олдин таклиф этади ва қатнашишини таъминлайди.

31. Ариза берувчи узрли сабабларга кўра (меҳнатга лаёқатсизлик, сафарда бўлганлиги, яқин қариндошининг вафоти ва бошқалар) комиссия йиғилишида қатнашиш имконига эга бўлмаса, ариза берувчи бу ҳақда комиссия котибини хабардор қилиб сабабини кўрсатиши шарт. Бунда, ариза берувчининг аризаси комиссиянинг кейинги йиғилишида кўриб чиқилади.

32. Ариза берувчи узрли сабабларсиз комиссия йиғилишига келмаганда комиссия аризани унинг иштирокисиз ариза берувчи ҳамда масъул ташкилотлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида кўриб чиқади ва комиссия қарорини ариза берувчига билдиради.

5-боб. Комиссия томонидан баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш тартиби

33. Комиссия аризаларни навбат асосида уларнинг қайд этилиши кетма-кетлигига мувофиқ кўриб чиқади.

Комиссия йиғилишлари, уларнинг ошкоралиги ва холислигини таъминлаш мақсадида узлуксиз видеотасвирга (овозли) туширилади ҳамда туман (шаҳар) иқтисодиёт ва саноат бўлимида уч йил мобайнида сақланади.

34. Комиссия талабгорларни аниқлаш бўйича тақдим этилган ҳужжатлар, масъул ташкилотларнинг баҳолаш натижаларини олган кундан бошлаб 7 иш куни ичида уларнинг ушбу Низом талабларига мувофиқлигини ўрганиб чиқади.

Комиссия тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар асосида ҳамда ижтимоий мезонлар бўйича баҳолаш натижаларига кўра ариза берувчига ипотека кредитлари бўйича субсидия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Субсидия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида комиссия электрон реестрни юритади.

35. Кўриб чиқиш якунлари бўйича комиссия йиғилишининг баённома-

си расмийлаштирилиб, субсидия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида комиссиянинг QR-код (матрик штрихли код) қўйилган қарори қабул қилинади ва тегишли туман (шаҳар) Давлат хизматлари марказига хабарнома юборилади. Ушбу хабарнома Давлат хизматлари маркази томонидан бир иш кунда ариза берувчига юборилади.

ЯИДХП орқали электрон тарзда мурожаат этилганда комиссия томонидан субсидия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисидаги хабарнома электрон шаклда ариза берувчига юборилади.

36. Ижтимоий мезонлар асосида баҳоланган ариза берувчи 30 ва ундан юқори балл тўплаган тақдирда талабгор сифатида тан олиниб, уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредити бўйича субсидия олишга ҳақли деб ҳисобланади.

37. Субсидия бериш тўғрисидаги хабарномада талабгор (биргаликда қарз олувчи)нинг реал даромадларидан келиб чиқиб, қоплаб берилиши мумкин бўлган субсидия бўйича сотиб олиниши мумкин бўлган уй-жойнинг юқори қиймати кўрсатилади.

38. Қуйидаги ҳолларда ариза берувчига субсидия тўланиши рад этилиши мумкин:

а) ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда;

б) тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотлар ижтимоий мезонларга мос келмаганда;

в) тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки сохта маълумотлар мавжуд бўлганда;

г) ариза ва тегишли ҳужжатлар қабул қилишнинг охириги санаси тугагандан кейин тақдим этилганда;

д) масъул ташкилотлар хулосаларига асосан жами 30 дан паст балл тўплаганда;

е) илгари шаҳар ва қишлоқ жойларда арзон уй-жой қуриш дастурлари доирасида имтиёзли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартира ёки якка тартибдаги уй-жой ҳамда субсидиялар олган оила аъзолари (эри, хотини) такрорий мурожаат этганда;

ж) жорий йил учун ажратиладиган субсидиялар сони тугаганда;

з) иштирок этувчи банк томонидан ариза берувчи фуқаро (биргаликда қарз олувчи) ажратиладиган ипотека кредити бўйича тўловга лаёқатсиз деб топилганда;

и) ариза берувчида кредит ташкилотларидан олдинги олинган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлганда.

39. Ушбу Низомнинг 38-бандида кўрсатилмаган бошқа асослар бўйича субсидия тўланиши рад этилишига йўл қўйилмайди.

Субсидия тўлашни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда комиссия рад этиш сабабларини, қонун ҳужжатларининг аниқ нормаларини кўрсатган ҳолда QR-код қўйилган қарорни расмийлаштиради ҳамда тегишли хабарномани тегишли туман (шаҳар) Давлат хизматлари марказига

(ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки ариза берувчига (электрон тарзда мурожаат этганда) ЯИДХП орқали электрон равишда юборади.

40. Ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаганда, нотўғри маълумотлар мавжудлиги аниқланган тақдирда комиссия ариза берувчига субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш имконияти мавжуд бўлган тақдирда қарор нусхаси такроран ариза топшириш мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда тегишли туман (шаҳар) Давлат хизматлари марказига бир иш куни мобайнида юборилади.

41. Субсидия тақдим этиладиган талабгорлар сони Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг туманлар (шаҳарлар) бўйича тасдиқланган қарориди белгиланган сонидан ошиб кетган тақдирда талабгорлар сони қўйидаги тартибда аниқланади:

энг юқори балл олган талабгорлар кетма-кетлигида;

охирги энг юқори балл тўплаган икки ёки ундан ортиқ ариза берувчининг баллари тенг бўлиб қолган тақдирда, календарь тартибга кўра ҳужжатларни биринчи бўлиб топширган ариза берувчи талабгор сифатида тан олинади.

42. Ушбу Низомга мувофиқ тақдим этиладиган субсидиялар бир оилга (оила аъзоларининг биттасига) фақат 1 (бир) марта берилади. Уй-жой сотиб олиш учун субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарнома календарь йил якунига қадар амал қилади.

Ушбу Низомга мувофиқ тақдим этиладиган субсидиялар айрим тоифадаги шахслар (ҳарбий хизматчилар) ва уларнинг оила аъзоларига нисбатан татбиқ этилмайди.

43. Субсидия тақдим этишни рад этиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган муддат тугагандан кейин ариза берувчи ушбу Низомда белгиланган умумий тартибда кейинги йилда такроран мурожаат қилишга ҳақли.

44. Ижтимоий мезонлар бўйича баҳолаш натижаларига кўра 30 ва ундан юқори балл тўплаган, лекин жорий йил учун белгиланган субсидиялар сони тугаганлиги сабабли субсидия олиш имкониятига эга бўлмаган талабгорлар кейинги йил учун субсидия олувчилар рўйхатига автоматик тарзда киритилади.

45. Жорий йил учун ажратилган субсидиялар сони тугаган тақдирда, комиссия томонидан уч иш куни мобайнида аризаларни қабул қилишни тўхтатиш ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон берилади ҳамда тегишли туман (шаҳар) Давлат хизматлари марказига ахборот юборилиши шарт.

6-боб. Сотиб олинadиган уй-жойларни аниқлаш ва ажратилadиган ипотека кредити бўйича субсидияни ҳисоблаш тартиби

46. Давлат хизматлари марказидан субсидия бериш тўғрисида ижобий

хабарномани олган талабгор хабарномада кўрсатилган сотиб олиниши мумкин бўлган уй-жойнинг юқори қийматидан ошмаган қийматли уй-жойни ипотека кредити орқали сотиб олиш бўйича қурилиш (пудрат) ташкилоти билан шартнома тузади.

47. Ипотека кредитини белгиланган тартибда расмийлаштириш учун талабгор тижорат банкига уй-жой сотиб олиш учун субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарномани ва уй-жойни ипотека шартлари асосида сотиб олиш бўйича қурилиш ташкилоти билан тузилган шартномани ҳамда фуқаро ўзига тегишли бўлган бадал маблағларини банкдаги ҳисобварағига жойлаштирилганлиги тўғрисида маълумотномани ҳамда банк томонидан белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим қилади.

48. Иштирок этувчи тижорат банки талабгорнинг ҳужжатларини уч иш куни мобайнида ўрганиб чиқади.

Ипотека кредити ажратиш маъқулланган тақдирда, тижорат банки туман (шаҳар) молия бўлими билан биргаликда ипотека кредити бўйича давлат бюджетидан талабгорга ажратилиши мумкин бўлган субсидия суммасини аниқлайди.

49. Субсидиялар:

қишлоқ жойларда — биринчи беш йил давомида ипотека кредити бўйича фоиз тўловлари билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун — 10 фоизлик пунктдан ошган қисмига;

шаҳарларда — бошланғич бадалнинг бир қисмини тўлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун уй-жойнинг ҳисобланган қийматининг 10 фоизи миқдоридан ва биринчи беш йил давомида кредит бўйича фоизларни қоплаш учун — Тошкент шаҳрида 12 фоизлик пунктдан ошган қисмига, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар шаҳарларида 10 фоизлик пунктдан ошган қисмига тўланади.

50. Шаҳарларда уй-жойларни сотиб олиш учун ипотека кредити бўйича бошланғич бадалнинг бир қисмини қоплаш мақсадида давлат бюджетидан ажратиладиган субсидия миқдори қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$C_{66} = Y_k * 10\%, \text{ бунда:}$$

C_{66} — бошланғич бадалнинг бир қисмини тўлашга субсидия суммаси;

Y_k — уй-жойнинг ҳисобланган қиймати.

51. Шаҳар ва қишлоқ жойларда уй-жойларни сотиб олиш учун ипотека кредити бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини биринчи 5 йил давомида қоплаш мақсадида давлат бюджетидан ажратиладиган субсидия миқдори қуйидаги тартибда ҳисобланади:

ипотека кредити бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун тўланадиган субсидия суммаси қуйидаги формула билан аниқланади:

$$C_m = K_c * (A_\phi - B_\phi), \text{ бунда:}$$

C_m — ипотека кредити бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун тўланадиган субсидия суммаси;

K_c — ипотека кредити бўйича асосий қарзнинг қолдиқ суммаси;

A_ϕ — ипотека кредити шартномасида тижорат банки ҳамда ариза берувчи келишувига асосан белгиланган фоиз ставкаси;

B_ϕ — Тошкент шаҳрида 12 фоизлик пункт, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар шаҳарларида ҳамда қишлоқ жойларда 10 фоизлик пункт.

52. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси пасайтирилган тақдирда, тижорат банкларининг ипотека кредитлари бўйича фоиз ставкалари мутаносиб равишда пасаяди, оширилган тақдирда эса ўзгаришсиз қолади.

Тижорат банкларининг ипотека кредитлари бўйича фоиз ставкалари пасайганда, фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун тўланадиган субсидия миқдори ушбу санадан бошлаб мутаносиб равишда камаяди.

7-боб. Ипотека кредитини расмийлаштириш ва субсидияларни тўлаб бериш тартиби

53. Тижорат банки бир иш куни ичида туман (шаҳар) ғазначилик бўлимларига бошланғич бадалнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия суммасини тўлашга буюртманомани юборади.

54. Туман (шаҳар) ғазначилик бўлимлари уч иш куни мобайнида ипотека кредити бўйича бошланғич бадалнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия суммасини тижорат банки томонидан кўрсатилган ҳисобварағига ўтказиб беради.

55. Сотиб олинадиган уй-жойлар бўйича ипотека кредит шартномаси талабгор томонидан тўланиши лозим бўлган бошланғич бадал тўлиқ шакллантирилгандан (бошланғич бадалнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия тўланган ҳолларда — субсидия суммаси ўтказилгандан) сўнг иштирок этувчи тижорат банки талабгор билан бир иш кунида ипотека кредити шартномасини тузади.

56. Талабгор томонидан ипотека кредити шартномаси бошланғич бадалнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия суммаси ўтказилган санадан бошлаб ўттиз кун ичида узрли сабабларсиз расмийлаштирилмаган тақдирда, иштирок этувчи тижорат банки субсидия маблағларини туман (шаҳар) ғазначилик бўлимининг тегишли ҳисобварағига қайтаради.

57. Талабгорларга шаҳар ва қишлоқ жойларда уй-жойларни сотиб олиш учун ипотека кредитлари ажратилган кундан бошлаб иштирок этувчи тижорат банклари томонидан уч иш куни ичида туман (шаҳар) ғазначилик бўлимларига ипотека кредитлари бўйича тўловларни қайтариш графиклари илова қилинган ҳолда фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун

субсидиялар тўлашга буюртманомалар билан талабгорларнинг тегишли ҳисобварақлари реквизитлари юборилади.

58. Туман (шаҳар) ғазначилик бўлимлари томонидан ипотека кредитлари бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар суммаси ҳар ойнинг 25 кунига қадар ўтказиб берилади.

8-боб. Якунловчи қоидалар

59. Ариза берувчи ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар, талабгор ва пудрат ташкилоти уй-жойнинг ҳақиқий қиймати, иштирок этувчи тижорат банки ажратилган ипотека кредити суммаси ва фоиз ставкаси, молия бўлимлари ҳисобланган ва ажратилган субсидия суммасини тўғри ҳисобланиши учун жавоб беради.

60. Уй-жой сотиб олишга талабгор билан тузилган ипотека кредит шартномалари шартларига риоя этилишини назорат қилиш иштирок этувчи тижорат банки томонидан амалга оширилади.

61. Иштирок этувчи тижорат банки ҳар чоракда туман (шаҳар) ғазначилик бўлимлари билан биргаликда талабгорнинг ипотека кредити бўйича тўловларни қайтариш графиги ва ажратилган субсидия суммалари асосида солиштирма далолатномани расмийлаштиради.

62. Субсидия бўйича охириги тўлов амалга оширилгандан сўнг иштирок этувчи тижорат банки уч иш куни мобайнида туман (шаҳар) ғазначилик бўлимлари ва талабгорга ажратилган субсидиядан тўлиқ фойдаланилганлиги тўғрисида хабарнома юборади ҳамда ғазначилик бўлимлари билан якуний солиштирма далолатномани расмийлаштиради.

63. Ойлик субсидия суммаси ортиқча тўланганда, туман (шаҳар) ғазначилик бўлимлари томонидан кейинги ойда талабгор учун субсидия тўлови аввал тўланган ортиқча тўловни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

64. Иштирок этувчи тижорат банкнинг ички сиёсатларида белгиланган муддатларда ипотека кредитлари бўйича тўловларни сурункали равишда тўламаслик оқибатида бекор қилинган ипотека кредит шартномалари бўйича ундириладиган маблағлар (шу жумладан, гаровдаги уй-жойнинг сотилиши) ҳисобидан талабгорга бошланғич бадал ва фоиз тўловларининг бир қисми учун ажратилган субсидия суммаси ипотека кредити бўйича гаровга қўйилган уй-жойнинг сотилган қийматидан белгиланган тартибда тегишли туман (шаҳар) ғазначилик бўлимларига ушбу банклар томондан тўлиқ миқдорда қайтарилади.

65. Меҳнат мигрантлари, алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилалар ва оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёлларга бериладиган субсидиялар сони қонун ҳужжатларига мувофиқ янги тартиб доирасида улар учун қуриладиган уй-жойлар сонидан ошмаслиги лозим.

66. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар ажратилиши, талабгорларга субсидиялар ҳисобланиши ва тўланиши юзасидан

назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти томонидан амалга оширилади.

67. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

136 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академиясининг касбий тайёргарлик факультетига
қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгар-
тиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2941-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 9 декабрдаги ПҚ-4546-сон «Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 24 декабрдаги ПҚ-4075-сон «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 23 сентябрдаги 207-сон буйруғи (рўйхат рақами 2941, 2017 йил 27 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 10/17/2941/0181-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг касбий тайёргарлик факультетига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.,
2020 йил 26 февраль,
84-сон

П. БОБОЖОНОВ

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 25 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2020 йил
26 февралдаги 84-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академиясининг касбий тайёргарлик факультетига қабул
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. 1-банддаги «касб-хунар» деган сўзлар «бошланғич профессионал, ўрта профессионал, ўрта махсус профессионал (бундан буён матнда бошланғич, ўрта, ўрта махсус профессионал деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 6-банддаги «касбий» деган сўз «бошланғич, ўрта, ўрта махсус профессионал» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 22-бандда «касб-хунар коллежлари» деган сўзлар «бошланғич, ўрта, ўрта махсус профессионал таълим муассасалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 27-бандда:

саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўқиш ёки иш жойидан (агар ўқиётган ёки ишлаётган бўлса) ва ўзини ўзи бошқариш органларидан тавсифнома;

маълумоти тўғрисидаги (ўрта махсус, бошланғич, ўрта, ўрта махсус профессионал, олий) ҳужжатлар нусхаси ҳамда баҳолар кўрсатилган иловаси нусхаси;»;

ўн биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мехнат дафтарчаси нусхаси ёки мехнат стажини тасдиқловчи «Электрон мехнат дафтарчаси» тизимидан кўчирма (агар мавжуд бўлса).».

5. 33-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«33. Номзодларни тиббий кўрикдан ўтказиш Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 сентябрдаги 764-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида тиббий текширувни ташкил этиш ва ҳарбий-тиббий экспертизани ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ҳарбий-тиббий комиссиялар томонидан амалга оширилади.».

6. 41-банддаги «2003 йил 21 февралдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган Тинч ва ҳарбий даврда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тиббий кўрикдан ўтказиш» деган сўзлар «2017 йил 26 сентябрдаги 764-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида тиббий текширувни ташкил этиш ва ҳарбий-тиббий экспертизани ўтказиш тартиби» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 44-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Хукукбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишга муносиб ҳисса қўшган профилактика (катта) инспекторларининг

жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиларига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Хуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси бошлигининг тавсиясига асосан Факультетга квота асосида ўқишга кириш ҳуқуқи берилади.»

8. 7-иловининг 7-бандидаги «ва касб-ҳунар таълими» деган сўзлар «, бошланғич профессионал, ўрта профессионал ва ўрта махсус профессионал таълим» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2020 йил 24 мартдан 27 мартгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2020 йил 26 февралдаги 84-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг касбий тайёргарлик факультетига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2941-1.

